

# Oīla va jamīyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot



Иккимоий тармоқларда катта шовшувларга сабаб бўлган воқеада аёл беш ёшли қизалогини уриб, ўлдириб, эри (қизчанинг ўгай отаси) билан ўчқода ёқиб юборишиди... Норасиданинг сүякларини эса Чирчиқ дарёсига ташлашиди. Бу малъунлар Россияядо пул топиш илинижда дарбадар юрганида мургак набирасини бувиси бағрига олган эди. Набирасини сўрайвериб, ундан дарак топмаган бувининг кўнглиги ёмон ўй оралайди, нуридийдасини истаб келади... Кейинги ҳаракатларда боланинг қайтарзда бағритошлик қурбони бўлганинг баҳоналари маълум бўлади.

3

## Me'daga tegmaydigan taom

Уша тўполонда сел тўхтаб, ит сал эгасини танигач, одамлар Норхол момони излашди. Уйчасига келип қараса, эшик-деразадан нишон йўқ. Парвардигор эгамнинг қудратини қаранг-да, сел момонинг ўзига қўшиб, кўрпа-тўшак, пул тиқилган махсисиниям олиб кетибди-ю токчадаги нонлари шол дастурхонига ўралган кўйи шундайлигича турибди-я... Тавба деб, гапирайин, тавба деб... Нон яхшида, болам, нон яхши.

5

## O'qitivchi – ma'no dengizingin javhari

Мана, йиллар ўтиб мен ҳам онам каби она бўлдим, шу инсон каби устоз бўлиш шарафига мусассар бўлдим. Айни дамларда эса шундай бир улуг бахт насиб этди-ки, мен онажоним танлаган йўли ва касби ҳақида ёзиш учун қўлимига қалам олдим. Оппоқ қофозни қоралар эканман, онамнинг бизга берган таълим-тарбияси буғунги кунда фақат олдинга интилишга чорлаётганлигини хис қилдим. Улар ҳам оддий ўқитувчи бўлганлар, вақти келса бизни ҳам унубиб, бошқаларнинг фарзанди учун бор имкониятини ишга солиб, меҳр билан дарс ўтардилар. Мен уларга ҳавас билан боқар эдим, ўша чогда уларга ўхшаб ўқитувчи бўлиш истаги пайдо бўлди.


9

QOG'ÖZGAMAS,  
QALBLARCA  
YOZAYLIK

Қирқ йилдан ортиқ журналист сифатида қанчадан-қанча хотин-қизлару уларнинг фаолияти, тақдиди билан танишдим. Мақтovларнинг қалови ўзидан ўзи келаверади. Аммо... эрининг, раҳбарларнинг, атрофидагиларнинг тошбагирлиги, худбинлиги, нодонлиги туфайли тақдир чорраҳасида гўдакларини бағрига босган ёлғиз аёлларга ёрдам бериш, улар оналик ва аёллик баҳтига эришиб яшашлари учун қўлимидан келганича қилган ҳаракатларим...

Уринишларим бир чақалик ёрдам бермай, қанчадан-қанча давлат идораларидан қалбим йиглаб чиқсан кунлар ўша даврлардаги матбуот саҳифаларида қолди.

7



## VAZIR PAST DARG'OMDA TANQIDIY UCHRASHUV O'TKAZDI

**A**йтиш лозимки, бугун маҳалла чин маънода ҳалқимиз ижтимоий ҳаётини яхшилаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган, бир сўз билан айтганда, одамларнинг турмуш тарзи, ҳаётий муаммоларига жамоатчилик назорати асосида ечим топишда ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда. Шу билан бирга давлатимиз томонидан аҳоли бандлиги, маҳаллалардаги муҳтоҷ оиласларни камбағаллиқдан чиқариш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни самарали ташкил этишда маҳалла тизими ходимларининг ўрни ва иштироки салмоқли эканлигини соҳада олиб борилаётган бугунги кенг ислоҳотлар яққол кўрсатиб турибди.

Аммо соҳада ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган, маҳалла тизими обрўси ва мавкега номуносига ҳаракат қиласланган маҳалла ходимлари ҳам йўқ эмас.

Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазири Раҳмат Маматов бошлигига Самарқанд вилояти Паст Даром туманинг "Кўкони" маҳалла фуқаролар йигинидаги туман маҳалла ҳамда аҳоли вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда бу борада

танқидий фикрлар билдириб ўтилди. "Кўкони" маҳалла фуқаролар йигини раиси Ҳуснiddin Турсуновнинг маҳалладаги камбағал оиласларга кўрсатилётган ижтимоий ёрдам на-науси сифатида ўз уйда боқилаётган 1000 дона жўхани ҳамда камбағал оила вакили сифатида ўз ўғли – Достон Тиркашевни кўрсатгани оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Р.Маматов бу ҳақида ўз фикрла-



рини билдиран экан, Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, маҳалла бугун халқ билан давлат ўртасида чинакам кўпrik бўлиши, фуқаролар йигини раислари доимо одамларнинг куончу ташвишлари билан яшashi, уларнинг муаммоларидан хабардор бўлиши, энг муҳими, зиммасидаги вазифа ва бурчни вижданан бажариши, акс ҳолда, унинг фаолиятига одамлар ўзининг муносиб баҳосини беришини таъқидлadi. Шу билан бирга, келтириб ўтилган вазифаларни бажаришда масъулиятсизлик қилган ҳар бир масъул ходимга нисбатан тегишилни чора кўрилиши қатъий айтиб ўтилди.

Учрашувда иштирор этган Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирининг биринчи ўринbosari Гулнара Маруфова ҳам мавзуга оид ўз фикрлари билан ўртоқлашар экан, маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласларнинг муаммоларини ўрганиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оиласларни ҳар томонлами кўллаб-куватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида маҳалла раислари халқининг ишончини оқлаши, ҳудуддаги ҳар бир фуқаро ва оиласнинг аҳволидан хабардор бўлиши,

бир сўз билан айтганда, зиммасидаги вазифаларни сиддидилдан адо этиши зарурлигини таъқидлаб ўтди.

Учрашув давомида "Кўкони" маҳалла фуқаролар йигини вакиллар кенгаси кузурда ўтказилган йигилиш тафсилотлари хусусида маълумот бериб ўтилди. Унга кўра "Кўкони" маҳалла фуқаролар йигини раиси Ҳуснiddin Турсуновнинг матбуот нашрларида байсан этилган ҳаракатлари йигилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама этилгани, кун тартибидаги масала ўзасидан карор қилининг, маҳалла раиси Ҳ.Турсуновнинг ўз аризасига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилди.

Тадбир сўнгтида Пастдаром тумани Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш бўлими бошлиги М.Санақуловага ўз фаолиятида йўл кўйган камчиликлари учун "ҳайфсан" интизомий жазо чораси берилди.

Р.Маматов учрашув давомида фуқароларнинг маҳалла тизимига оид қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб бериб ўтди.



## ANDIJONLIK 318 NAFAR FUQARO ISHLI BO'LDI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 сентябрдаги "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ҳудудларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Андикон шаҳрида жойлашган "Лола кўғирчоқ театри"да ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида Андикон вилоятидаги жами 494 нафар ишсиз ва доимий иш ўрнига эга бўлмаган фуқаролар иштирок этди. Унда ҳудуддаги 185

та корхона ва ташкилотлар таркибидаги мавжуд 3695 та бўш иш ўринларини фуқароларга таклиф этиши.

Мехнат ярмаркаси давомида 318 нафар фуқароларга ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди. 12 нафари қайта касбга ўқитиш мақсадидан касбга ўқитиш курсларига юборилди. 26 нафари жамоат ишларига жалб этилди. Шунингдек, 176 нафар фуқарога меҳнатта оид масалалар ўзасидан меҳнат қонунчилиги докрасида зарур маслаҳатлар берилди.

Шу куннинг ўзида Андикон вилояти ҳокимлигига вилоят фаоллари, маҳалла тизими масъул ходимлари, фуқаролар йигинлари раислари иштирокида йигилиш ўтказилди. Унда ташкилий масалага сифатida шу кунга қадар Андикон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Балтабаев Шакиржон Мамажонович Андикон вилояти ҳокими ўринbosari — Маҳалла

ва оиласи кўллаб-куватлаш бошқармаси бошлиги сифатida танишириб ўтилди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринbosari Қ. Қуронбоев, Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазири ўринbosari Б. Парниев, Андикон вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмоновлар иштирок этиши.



## ZARBDORLIK XOTIN-QIZLAR QO'LLAB-QUVVAJLANDI

Жиззах вилояти Зарбдор туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни маддий ҳамда маънавий қўллаб-куватлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Навбатдаги хайрли тадбирда тумандаги эҳтиёжманд, кийин турмуш шароитида яшайдан 6 нафар хотин-қизга тикик машиналари ҳамда газ плитаси каби 15 277 800 (Ўн беш миллион иккى юз етмиш етти минг саккиз юз) сўм миқдоридаги майший техника воситалари толширилди.

Ушбу тухфа рўзгор ишларидан аёлларнинг оғирини енгил килиши билан бирга, буортма асосида тикив-бичув ишларини бажариш ҳамда турли пишириклар тайёрлаб, уй шароитида доимий даромад манбаига эга бўлишида кўл келади.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

# Shavqat yo'li nega toraygan?

**Б**угун курраи замин-нинг юраги даҳшатли балодан титраб турибди. Инсониятнинг тириклик дунёсидан ризқи лаҳзаларда узилаётир. Демак, одамлар меҳр ва яхшиликка ҳар қачонгидан кўра кўпроқ мухтож.


Сўнгги кунларда глобал тармоқлардаги бола фарёдига тўлиқ тасвирларни тез-тез учратдиган бўлдик. Ўз якинлари томонидан калтакланган, қистовга олинган, бошқаларнинг аччиқ аламларига хун тўлаётган, энг оғирни, умр гули ячилаетган болалар қандай нахот топсин?

Куни кечада телевидениеда даҳшатли жиноят изи топилгани ҳақида хабар эфирга узатилди. Ижтимоий тармоқларда катта шов-шувларга сабаб бўлган воқеада аёл беш ёшли қизалогини уриб, ўлдириб, эри (қизчанинг ўтай отаси) билан ўчода ёкиб юборишиади... Норасиданинг суюкларини эса Чирчик дарёсига ташлашиди. Бу маънунлар Россияда пул топиш илинжидар дарбадар юрганида муғрак набирасини бувиси бағрига олган эди. Небрасидин сўрайверб, ундан дарак топмаган бувининг кўнглигига ёмон ўрай алайди, нуридийдасини истаб кепади... Кейинги ҳаракатларда боланинг қай тарзда багритошлик курбони бўлганинг баҳоналари маълум бўлади. Эмишки, ўтай ота хотинининг қизини ёқтиргмаган, ундан кутулишина осидан талаб қылган...

Ижтимоий тармоқлардан яна бирда тарқаган видеода ёш она тўшагини ҳўллаб кўйган икки ёшли гўдагини аёвсиз савалайди, калтаклардан чинкириб йиглаётган норасиданинг охлари юрагинизни нимталашиб ташлаиди ва тилингиз она деган номга номуносига кимсага лаънат ўқишига тушади.

Тўрт яшар ўғлиниг оёғидан ушлаб, кўп қаватли ўйнинг деразасидан пастга осилтирганча, ўнга "тарбия берётган" ота ҳам ижтимоий тармоқларда роса "саваланди".

Танишим бир даҳшатли воқеани ўқинч билан сўзларди. Айтишича, ўзига яқин маҳаллалардан бирида она гўдагини эмизиб ётиб ухлаб қолади ва



Ижтимоий тармоқларда катта шов-шувларга сабаб бўлган воқеада аёл беш ёшли қизалогини уриб, ўлдириб, эри (қизчанинг ўтай отаси) билан ўчода ёкиб юборишиади...

унинг кўкси қақалогини босиб қолгач... Она уйгониб қараса, боласи жонсиз. Қаттиқ титроқ остида боласининг жонсиз танасини чиқиндиҳоналардан бирига ташлаиди. "Болалами ўтиргаб кетиши!" деб ох-воҳ уради.

Аммо бу оғир гуноҳнинг изи дарров топилади, нобакор аёлдан оиласи воз кечади, ўзи эса төбалик кўйига тушади.

Ҳаётин воқеада деб ижтимоий тармоқи жойланган ҳикояда туғилибок онасидан етим қолган болжоннинг умр шами шафқатсизларча ўчирилади. Ўтай онаси томонидан "жазо" ланиб, меҳмонлар келганида балонга чиқариб кўйилган бола кечгача "нафас чиқармай" ўтиради. Меҳмонлар кетгач ҳам унга ёлилган эшик очилмайди. Ўтай она ўз болалари билан ухлашга ётади, ота ҳам боладан хабарсиз. Тунда раҳматлик аёли тушига кириб, ўғлига қарашини сўраб, ялиноверади. Қаттиқ кўркув билан ўйонган ота шўй етимни излайди, уни балонда соvuқдан гуҳанак бўлиб, қотиб қолган ҳолда топади. Боланинг аллақаҷон музлаган бағрига ўтай она-нинг минннатли оши – гуруч доналари тўкилиб ётарди...

Тасвирларни кўриб, жаҳолатни англайсиз-у нафасиниг бўзингизга тикилиб, беизн тўкилаётган кўз ёшлини мадорингизни еб битираёзди. Энди айтинг-чи, бундай разо-лат, жаҳолатнинг асл илдизи тошбагирлик тиканлари босди?

Таникли адабимиз ўтири Шошимов "...Болани хўрлаж чексиз гуноҳ" деб ёзади "Дафтар ҳошиясидағи битиклар" ида.

Шубҳасиз. Зотан, муқаддас динимиз меҳр-шафқат, раҳмат устига курилган. Ҳадиси шарифларда акс этган "Ким одамларга раҳм кильмаса, Аллоҳ унга раҳм қильмайди", "Хоҳ ўзингиз, хоҳ бироннинг фарзанди бўлсин, улар ҳақида Аллоҳдан кўрқин" деган датъатлар болаларга жабр килишининг жазоси жуда оғир ва мукаррар эканлигига ишорат эмасми? Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам болаларнинг ҳатто бошини силашда ҳам ёхтиёт бўлиб, олдга қараф силаш, аks холда уларнинг жонига озор бериди кўшишидан қайтарган эканлар.

Вазийн(розияллоҳу анху) ривоятида кептиришича, бир одам Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва

саллам ҳузурларига келди ва сўзлак бошлади: "Ё Расулуллоҳ! Биз жаҳолат ахли эдик. Бутларга сигинар эдик. Ва қизларимизни тирик лай кўмар эдик. Менинг бир қизим бор эди. Гапга тушуниб, чақирса, жавоб берадиган бўлиб қолган эди. У менинг овозимдан жуда хурсанд бўларди. Бир куни ёнимига қақириб, орқамдан эргаштиридим. Оилам ва аҳлимдан узоқ бўлмаган бир кукуйнига бошлаб бордим. Кейин севимли қизимнинг кўпидан тортиб, кукуйнига отиб юбордим. Унинг сўнгги сўзлари "Отажон, отажоним!" деб қолиши бўлди".

Расулуллоҳ, (с.а.в.) йиглай бошладилар. Узоқ йиглайдилар. Атрофларида ўтирганлардан бири ҳалиги одамга: "Сен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи васаллами гамғин қилдинг!" деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: "Унга тегманлар! У ўзи учун мухим бир нарса ҳақида сўрамоқчи", – дедилар. Кейин боғи ҳақида сўрамоқчи, – дедилар. Атрофларида ўтирганлардан бири ҳалиги одамга қараб: "Воқеанинг қайтадан айтинг-чи бер!" дедилар. У одам яна бир бор сўзлаб берди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна йиглай бошладилар, ҳатто кўз ёшлилари соколларини ҳўл килиб юборди. Кейин бундай дедилар: "Аллоҳ, таоло жоҳилият замонида қилинган барча гуноҳларни кечирди. Сен амалингни бошқатдан бошла!"

Жоҳилият даврида гишафқатсизликларнинг бу таҳлит кўринишлари орадан ўн тўрт аср ўтиб, иймон ахли тавбага юкинган дамларда яна содир этилаётганинг кўркинчили. Аслида дунёнинг бор яхшиликлари, шодликларига муносиб бўлган, вужудимизнинг бўлгани, умримиз давоми, ҳаёт абадийлигини эслатувчи кўнгироқларимиз – дилбандларимизни меҳру ётиборимиздан мосуву этаётганимиз не ҳол бўлди?

Наҳот, дилбандларимизга элтувчи шафқат ўйли торайган, меҳр сўмогини қаҳр тошлари беркитган бўлса? Илло азобланган, катталар қаҳру-газабидан нахот тополмаган болаларнинг оҳи кўкни тутса, дунёй-дун болалор гирдо-бода колмайдими, замондош?!

Дилнавоз Қўлдошева,  
Фарғона вилояти.

## СИАҚАЛОҚ САВДОСИ... UNING OLDINI OLISH MUMKИНМІ?

**М**умкин. Агар биз ёш оналарни бу йўлдан қайтара олсан... агар жиноят содир бўлишидан олдин конфиденциал тарзда профилактик сухбатлар ўтказилса... агар жамият томонидан алданган қизларга паст назар билан қаралмаса... зўравонликка учраган аёл дунёга келтириши мумкин бўлган зурриёднинг "ҳароми" дейилишига йўл қўйилмаса, ёки умуман бу нарсанинг олди олинса...

Шундай бўлиши мумкини? Бир қаранганд, анъаналаримизга асосланган жамиятда салбий иллатларга ўрин йўқ. Биринчи навбатда, муқаддас динимиз ҳам қандай зўравонликни коралайди. Бироннинг аёғига (қизига, синглисига) ёмон кўз билан қараш динимизда қаттиқ кораланади. Урғанъаналаримизга кўра, йигитлар ҳам, қизлар ҳам муқаддас никоҳ тузмагунларни тўшак ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Аммо биз XXI асрда яшаяпмиз. Хоҳлаймизни йўқми, глобаллашув жараёни кетепти. Ушбу жараёни бизнинг жамиятимизни четлаб ўтмаётган, балки минг йиллик қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳам чант соляпти. Шу сабабли, ижтимоий тармоқларда "...зўрлади, никоҳсиз бола түгилди, қизалогини сотишига уринди..." каби ҳабарлар бот-бот кўзга ташланади. Ёшларимиз икки ёки уч тилда бемалол мупоқот қилишади, айнича, интернетда. Уларнинг қизиқишиларини жиловлашнинг имкони йўқ. Факат бир йўли бор, у ҳам бўлса чиқич ёшдалигидан урғанъаналаримизни кулогига сингдириш.

"Садоқат" деб номланган хинд фильмини барчамиз севиб кўрганимиз. Фильм қахрамони бўлган қиздан ким нафрталган? Ҳеч ким... чунки фильмда қизнинг изтироблари тўлиқ намоён қилиб берилган. Шу фильмда бир кичик эпизод

бор. Беникоҳ дунёга келтирилган болани болалар уйи олдида саватчага солиб, кўнгироқни чалиб, ичкаридаги парни оғланларни кетишиади.

Нега бизда алданган қизлар ҳамманинг нафрата га дучор бўлиб, болани уйига олиб кетиши керак? Нега болани дунёга келтиришда "хисса" кўшган иштади қолиши керак? Чунки, "ДНК" тестларини қилдириш, судлашишга ёхтиёжманд оиласининг пулни йўқ. Шундай заман, дунёга келтирилган алдов меваси бўлган болани тарбия қилишининг ҳам ўз-ўзидан имкони йўқ.

Балки барча ривожланган давлатлардаги каби болаларнинг яхши шароитда ўсиши учун имконият яратиб берармиз?

Ахир конституциямизда белгиланган яхши шароитда қолиши керак? Чунки, "ДНК" тестларини қилдириш, судлашишга ёхтиёжманд оиласининг пулни йўқ. Балки, "Гўдаклар уйи" ёнига

бала қабул қилиш корзинкаларини ўрнатармиз? Бу билан қизларимизга "какку" сифат яшаш учун шароит яратиш эмас, балки, бола ҳуқуқларини таъминлаш кўзда тутиляти.

Ахир боланинг тирногига зор нечача оиласлар армон билан яшашмояд. Қизларимиз "чақалогини сотди" деган тавкия лаънатта йўлини масларидан олдин, балки тугурухонларда "тилхат" ёздириб, "Гўдаклар уйи"га ўтказган маъкулдир? Бола асрар олишини хоҳлаган оиласларгаям осон бўлармиди? Кейинги пайтада, назаримда, айнан баҳтисизлик туфайли исталмаган болани дунёга келтирган, она бўлиб қолган қизларимиз ва аёлларимизга "ов" эълон қилингандек. Отасиз болани олишига тайёр турган кимлардир, кўндириганидан сўнг, дарров ИИБга хабар берадиган кимлардир.. Балки болани сотишига кўндиригандарни ҳам жинойи жазога тортиш вақти келгандир? У ҳам "олди-сотди" жарёнида иштирок этяти-ку?

Юкоридаги мuloҳазалар тақиғи сифатида қабул қилинса ва қонунчиликка кирилтилса, жамиятимиз бундай факат ютади, деб ўйлайман.

Зебо ХАЙДАРОВА,  
Сирдарё вилояти.

# KECHIKISHGA HAQQIMIZ YO'Q!

Абдулла Қаҳдорнинг "Бемор" ҳикоясини ўқиганси-з-а? Агар ҳали ўқимаган бўлсангиз, мактаб дарслиги нинг 6-синф адабиётига киритилган. Кетса кўпил билан 10 дақиқа вактингиз кетади. Бир кўздан кечириб қўйинг.


Ҳикоя кичкинагина, аммо мазмуни хажмидан кўп. Мени кўпроқ бемор аёлнинг ҳолати, тузалиш-тузалмаслиги эмас, турмуш ўртоги Сотиболдининг бу жараёнга муносабати қизиқтиради. Бечора эркак, дейиз бер ўқишида. Аммо қайта-қайта ўқисак, у ўзининг бечоралигини ҳатто хис қилмаслигини тушумиз. Сотиболди қарах ҳолатдагини англаймиз. У факат ўша вазиятда эмас, бутун умри давомида қарах бўлиб яшайдиган образ. Одам қачон шундай ҳолатга тушади. Қаҷони нима қилишини ёки нима дейишни билмаганида. Бир умр шундай яшаш еса фоеа.

Қайта-қайта тилга оладиганимиз, кимлар учундир ҳатто "кўп чайнаглан", сийаси чиқи, эшиттанде кўнгил озодиган сўз" маънавияти тушучаси бизни шундай қарахтиликдан, кўпол қилиб айтганда "довдирашлар"дан химоя қилдиган иммунитетдир, менимча.

Маънавият аслида шахс эътиқодга алоқадор тушунча. У рухият билан боғлиқ. Шахсий ўзликнинг бир парчаси. Яшаш тарзи, дунёкараш, диний-ахлоқий тасаввурлар хосиласи. Аммо шу билан бир пайдо маънавият шу қадар кенг тушунчаки, унинг ичидаги фаросат ҳам бор, шарм-ҳаё ҳам, сабр-қаноату, андиша, маданият ҳам бор. Маънавияти шахс дунё ичра дунёни англатади гўё.

## МАҚТАНЧОК ШОГИРД ПАНД ЕДИ

Маънавият жамиятнинг ривожи учун энг керакли тушунчалардан бири экан, уни тарбиғ қилиш, ёш авлодга сингдириш ҳамиши долзарб бўлиб қолаверади. Бу борада Сайфи Сарой-



ининг "Гулистанбит-туркий" асарида бир ҳикоят ёдга тушади. Бир йигит курашиби полвонга шогирд тушиди. Ундан уч юз энлик тўққизта усулни ўрганибди ва сultoniga келиб: "Менинг санъатим устозимнидан ортиқдур", дебди. Сulton уларни курашга тушишини буюрибди. Устоз қарасаки, йигитнинг шаҳди баланд, ўзидан кучлироққа ўхшайди. Аммо уни бир кўтариб юз олтишичинчи усол билан ерга кулатиди. Қиссадан хисса шуки, ҳеч нарсани ўрганмагучча, ўргатмагунларигача ўзимиздан ўзимиз биллиб қолмаймиз. Сабоқ олман натижага етга олмаймиз. Шу жумладан, қандай шаклда бўлмасин ўрганмай, ўқимай турбиди бирданга маънавияти инсон бўлишининг имкони йўқ. Маънавият сўзининг эгизаги бежиз маърифат эмас.

## МАДАНИЯТЛИ ҚАЙНОНА КИМУ

### МАЪНАВИЯТЛИ ҚАЙНОНА КИМ?

Дарвоқе, шу ўринда маданият тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсан. Кўпчилик маданият ва маънавияти бир-бираға кориштириб юборади, уларни фарқлай олмайди, адаштиради. Маданият ва маънавияти кориштиргувчиларнинг бир тўхтамга

ҳаракатлари ва ҳаракатсизликларини ифодалайди. Дунёкараши, ички олами эмас.

### "УЧДАН КЕЙИН КЕЧ"МИ?...

Дунё тақрибасида шаркона маънавияти тушучасини болалиқдан сингдирилиши энг маъкул ва самарали услублардан саналади. Ўзимизда "шов-шув" бўлган Масара Ибуканинг "Учдан кейин кеч"номли китобининг шундай атагани бежиз эмас. Зотан япон болакайида "тегишлилк, хослик" тушучаси юкори эканлиги, ўз миллатига, юртига, мактабига, боясига садоқатидан ҳам билиш мумкин. Балки шу сабаб японларда тарбияда ённинг аҳамияти каттадир.

Дарвоқе, мулоҳазаларимиз бозида эслаб ўтганимиз Сотиболдининг маънавиятиз сатти-ҳаракатлари (...касанни ўқитди – бўлмади, табиба-қўрсади. Табиб қон опди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Баҳши ўқиди. Аллакандай бир хотин келип толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб коплади...) бир одамнинг бу ҳаётдан эрта

кўз юмишига сабаб бўлди. Албатта, шунигина важ қилиб кўрсатишими бироз хотурди. Асар таҳлилида айтилганидек, аслида ҳақиқи бемор аёл эмас, уни маънавияти қашшоқ, "бемор жамият" ҳалок қилгани ҳам ҳақиқат. Демак жамиятимизнинг "хасталиклари"ни аниқлаб, даволашдан, эн авалло, ҳар биримиз шахсан манфаатдормиз. Бироқ касални даволагандан кўра олдини олган яхшироқ, дейди доно ҳалқимиз. Шундай экан, маънавияти тарғиботида кечикишга ҳақимиз йўқ.

Садоқат САМАНДАРОВА,  
журналист

# EYNSHTEYN


# NEGA TILINI KO'RSATGAN?

**Б**у савол кўпчиликни қизиқтириса керак. Ахир машхур олим тилини чиқариб тушган сурат дунёда энг машҳурларидан бири саналади. Аммо нима учун Нобель мукофоти соҳиби Альберт Эйнштейн шундай қилган?

1951 йилда олим Пристон университетида ўзининг 72 йиллигини нишонлади. Уни табриклиш учун кўпгина дўстлари, ҳамкаслари ва албатта, бир гурӯҳ журналистлар ташриф буюришиди. Тантана охирида физик олим Эйделот оиласи билан бирга тадбирни тарқ этишига қарор қилди.

Альберт ва унинг дўстлари уларни кутиб турган машинага ўтириб, кетиш тараффудига тушисди. Лекин кутилмаганда автомобилнинг орқа эшиги кескин очилиб, салонга фотосурати Артур Зассенинг ўта мамнун ҳеҳраси суқилиб кириди. У вақт ўқотмаслик учун тезлик билан фотокамера объективини олимга қаратди ва: "Бир табассум қилинг энди, профессор!" деди.

Бундай сурбетлик Эйнштейнга



Газета нашр этилганидан кейин, саноқли соатлар ичida Эйнштейннинг тилини чиқариб турган сурати ақл бовар қилмас даражада машҳурликка эришди. Энг қизиги, ушбу тасвири туширилган табрик, ташриф қоғозларини профессорнинг ўзи кўплаб дўстларига юборарди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Артурнинг ўзи томонидан атиги 9 та суратнинг асл нусхаси чиқарилган.

Бироқ фотомухбир тасмани машҳур нашрлардан бирига олиб борганда, бу сурат билан ҳеч ким қизимдади. Бунинг устига бош мухаррир бу тасвири ўчириб ташлаши лозимлигини, акс ҳолда бошига муаммо ортириши мумкинлигини айтди.

Ташрияридан чиқкан журналист нима қилишга ҳайрон бўлиб қолди.


Сўнгра бироз дадилланиб, фотосуратни Эйнштейнга юборди. Унга қистирилган номада суратни чоп этишини илтимос қилганди.

Машхур физик олим ўзининг кулиги тасвирини кўриб, завқланбиди. У шахсан ўзи фотомухбира кўнгирок қилиб, бажарган иши учун унга миннатдорчилк билдириди. Сўнгра ташрияри бош мухаррирнинг телефон рақамини териб, ушбу тасвири газетанинг биринчи саҳифасида чоп этишини сўради. Бу орада, йигитчага муносиб гонорар тўлаш позимлигини ҳам қистириб ўтди.

Газета нашр этилганидан кейин, саноқли соатлар ичida Эйнштейннинг тилини чиқариб турган сурати ақл бовар қилмас даражада машҳурликка эришди. Энг қизиги, ушбу тасвири туширилган табрик, ташриф қоғозларини профессорнинг ўзи кўплаб дўстларига юборарди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Артурнинг ўзи томонидан атиги 9 та суратнинг асл нусхаси чиқарилган.

Машхур олимларнинг дастларини коллекцияни қиливчи Дэвид Уоксман 2009 йилда ташкил этилган аукционда олимнинг иккичи оригинал фотосуратини 74 325 АҚШ долларига сотиб олган.

Гулчеҳра АЗИМОВА  
тайёрлади.  
oilavajamiyat@mail.ru



— Ая-ей, мунча сира келмайсиз. Мехмонлар келганига ярим соат бўлди, - кичкина ўглим саросимада кутиб олади.

— Яхши-яхши, мана келяпманку, чой-пой килдингми?

— Чой, мева-чева қўйдим. Лекин, нон йўк.

— Йўк...

— Уйдаги нон қора-ку. Кўйисам «булар қора нон ейди экан», — дейди-да...

— Эй, дейди-да, дейди-да, нон бўлгандан сўнг жейди-да.

Кирсан, меҳмонлар олдида чой, мева-чевалар бору ростдан нон йўк. Нонни олиб киракканман, меҳмонларга тўгрисини айтдим:

— Ўзича қора нон деб, қўйгани уяланмиш.

Хамма нарсанинг, ҳар ҳодисанинг иккни томони бор. Гурунг ҳам ўз-ўзидан нон ҳақида бўлиб кетди.

#### БИР ХУРЖУН НОН

— Ха-а, — дейди Ойбарчин аммам ҳоргин сўлиш олиб, — юрибсанларда ҳамман, йикилсанг ногна суринб. Бурунги замонда бир бой билан бир камбагал узоқ сафарга чиқиби. Бойнинг хуржуни оптин, олмос, забарждади.

Болалик инсоннинг энг беғубор, энг соғдил ва киши билмас, ҳис қилмас даражада тез ўтиб кетадиган палласи. Менинг З та жияним бор. Ўқишдан келиб бироз вақтимни шуларга сарфлайман ва кўнглим ёришади. Бутун чарвоқларим чиқиб кетади. Яқинда 9 яшар жияним Мадинанинг түғилган кунини нишонлаймиз. Унга қандай совға олишга бошим қотиб қолди. Шу боис ўзидан

— Түғилган кунинга нима совға қилий, Мадина?

## ME'DACA ТЕСМАЙДИГАН ТАОМ

ганга-бilmaganaga olibdi.

Бойнинг тинка-мадори курй бошлабди. Чидайолмабди. Хуржунидан товланиб турган зумурад тошни олиди:

— Кел, ма шунга бир бурда нон бер...

То манзилга этиб келгунча нонга олтинларини алмаштириб, еб келиди. Бир вақт қараса, бойнинг хуржунидаги бари олтин-кумушлар камбагалнинг хуржунида эмиш.

Бурунгилар бекорга айтмагандан:

Олтин-кумуш туш бўлар,  
Арпа-бугдой ош бўлар.



#### НОРХОЛ МОМОНИНГ НОНЛАРИ

— Нондан айланайин, — Бибиҳожар хола сухбатни улаб кетади:

— Шўролар даврида, бир кўкламда бизнинг Пойимарда эшитгандирсизлар, катта сел кепди. Шу сахарга якинийдёв... Бирдан осмон гумбурлаб, ўйиладигандай бўлди. Қаттиқ жала ёғди. Кейин дўлга айланди. Қишилогимиз шундайгина иккита тонгнинг орасидаки, тепадан бўтана сел, иккни ёқдан пакирлаб куяётган ёмғир сувлари... Қишлоқ тамом саросимада қолди. Итлар ҳурган, мол-ҳол бўкирган. Селобанинг олдида деви бўлади-да.

Чироқ ўлгур ўчган, ҳалиги чўнтакка соб кўйич тиллонлар кирнинг устига чиқса оладийкан... Бўлди қиёмат! Бўлди қиёмат! Бирор телага қочган, бирор дараҳтга осилган. Отасига, қўйинг, борманг, деб зорилладим, йўк, қўрага етмаёк селобага дуч бўлди. Ҳолидаги катта ёнгоқча чиқиб олди. Болалик эканда, болалар отасига қараб югураяти. Отаси бўлса ёнгоқнинг бошида туриб бакиради:

— Келманглар-ай, келманглар! Қоч! Қоч! Қирға чиқинглар! Қирға!

Ичиди айтиби: «Шу ёнгоқ кетса, мен ҳам кетаман» дебди. Худога шукр, ёнгоқни эккан боваларимдан айланайин. Катта сел дараҳтнинг томирини очиб қиёштирию опкетолмади.

Йў-ей, қаёқда дейсиз? Қўйлар тутул қўраннинг эшиги қоптими денг-да, барини опкетди... Энди бўёғи яна кино. Тепамизда, камарнинг бикинида турадиган Норхол момо тўқсонларга бориб қолувди-я. Шўрлик неча қайта ўй килиб, тирноқ кўрмади.

Этасининг ҳовлисидағи бир уччада турарди. Бечора момо нонларини точага кўяр, пенсия пулларини, эски совет дафтаридағи пулларни кўшиб, кўхна маҳисисига тикиб, ўлимлигим деб, йигиб юргичиди. Ўша тўполонда сел тўхтаб, ит сал эгасини танигич, одамлар Норхол момони излашди. Уйчасига келиб қараса, эшик-деразадан нишон йўк. Парвардигор эгамнинг қудратини қараганд-да, сел момонинг ўзига қўшиб, кўрла-тўшак, пул тикилган маҳисисиням олиб кетибди-ю токчадаги нонлари шол дастурхонига ўралган кўйи шундайлигига туриди-я...

Тавба деб, гапирайдан, тавба деб... Нон ҳақида, болам, нон ҳаши.

Саъдина БОБОМУРОДОВА,  
Жиззах шаҳри, «Олмазор»  
маҳалласи.

## Kitob eng yaxshi sovg'a

— Сенга-чи Мадина, нима олиб берай, — яна тақрор сўрадим?

— Менгами, амаки, китоб совға қилинг!

Китоб... юзимда хурсандчилик сурури пайдо бўлди. Алланечук бўлиб кетдим, кувонганимдан. Ахён-ахёнда эртак китоблар ўқиётганини кўриб эътибор қилмапман, дедим ўзимга-ўзим...

— Менгами, амаки....

Гапни иккى шумтака жиянларим илип кетди. «Менга-чи амаки, катта машина олиб беринг, минаман уни,» деса, яна бири кўйинга «аскар»лар совға қилинг, — дейди. Ҳаҳ, шумтакалар дедим-да, уларнинг бошини силаб қўйдим...

— Сенга-чи Мадина, нима олиб берай, яна тақрор сўрадим?

— Менгами, амаки, китоб совға қилинг!

Китоб... юзимда хурсандчилик сурури пайдо бўлди. Алланечук бўлиб кетдим, кувонганимдан. Ахён-ахёнда эртак китоблар ўқиётганини кўриб эътибор қилмапман, дедим ўзимга-ўзим...

Дарҳақиқат, китоб инсоннинг энг якин дўсти, сирдоши, вақти келса энг оғир кунида ташлаб кетмайдиган ва бу хаёт машақатларини ёнгиг ўтишда кўмаклашувчи, тиряк бўлгувчи ўйлошдир. Китобларни кўпроқ мутолаа қиласиз, маънавиятимиз ўсади ва дунёга теран нигоҳ билан қарай бошлаймиз.


Ҳар гал китоб дўйонларини айланганимда, китоб ҳарид қилаётган тендишларимга нигоҳим тушгандা, севинчдан кўзларим порлайди. Уларнинг сафи кундан кур ортиб бораёттани эса кишини янада кувонтиради. Мен универсitet талабасиман. Дўстларимни бетиним изланишларини, билим олишдан хеч ҳам зерикмай, китоб мутолаа

килишларини кўриб, илм инсоннинг қайрилмас қаноти эканлигига, китобдан яқинроқ ва яхшироқ дўст ўйк эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Бугунги кунда ёшларнинг саводхонлигини ва китобга бўлган муҳаббатини ошириш мақсадида бир қатор ишлар, тадбирлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017-йил 12-январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиши ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузили «тўғрисида» ги фармойиши бу борада муҳим дастурламалам бўлмокда. Бу соҳага оид турли хил кўрик-танловларнинг ўтказилиши эса, китобхон дўстларимизнинг файратига-ғайрат, шижоатига-шижоат кўшаётганига амимиз. «Ёш китобхон» талови эса, фикримизнинг ёркин далилиди...

Инчундайликки, биз ёшлар эртаниги куннинг, келажакнинг эгаларимиз. Мамлакатимизнинг равнақига ўз ҳиссамиши кўшишимиз учун биз тегирилди. Фикрлайдиган, мустакил сўзига эга, саводхон ва баркамол авлод бўлишимиз зарур. Бу йўлда кўркмай, ҳеч иккиланмай китобга таянишимиз, суннишимиз мумкин...

Файзулло ЯҲЕЕВ,  
Ўзбекистон Миллий  
университети магистранти.



# МАНДЛАННИГ МУАММОСИНІ АYTISH УYАТМІ?

**Я**кында таҳририятга водийдаги бир маҳалла фоллари иккита құшнин яраشتариш масаласида ёрдам сұраб мурожаат қилишди. Үн беш йилдан бүён иккита құшни бир-бірлары билан келишмас, кattалар уртасидеги келишмовчилік ўғилларига ҳам күчган, бириңчи құшнининг ўғлы иккінчи құшнининг ўғлы билан жанжаллашиб үнга қаттық жароҳат етказибди.

Воқеани ўрганиш учун ўша маҳаллала кири бердик. Үмрим біно бўлиб бунақнган баланд деворни кўрмаган эдим. "Бу қўшилар ҳар йили бир-бірларини кўрмаслик учун деворларини янгилайди. Бири беш гишт қўшади деворига. Шу орқали бир-бірининг гашларига тегиши мақсадлари", деди маҳалла фаолларидан бири. "Гўёки деворини баланд курса аламидан чиқадигандек. Уларни ҳеч қандай йўл билан муросага келтира олмаямиз. Таҳририятгача мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Бу биз учун уят аслида, начора..." Хуллас иккиси оиласыннан кattалар ҳам, кичиләр ҳам муроса йўлига юришмади. Кattалар бундан ўн беш йил олдин бўлган воқеаларни эслаб жаҳл отига берилса, кичиләр якындагина бир-бірларига етказган зуғумларидан нолишид. Иккиси қўшини ўртасидеги девор қанчалик баланд бўлса, улар қалбидаги нафрат ҳам шунчалар чукур эди. Биз иккиси қўшини билан тушунишиштади. Уларни тушуниш мүмкін, аммо би иккиси қўшини ўртасидеги низоддан атрофдагилар безиб кўчib кетишига мажбур бўлишибди. Энг ачинарлisisи нима биласизми, уларнинг оиласида қандайдир фалокат юз берса "дushman tonom" хурсанд бўлиб нишонлар экан. Бир йил олдин қўшнининг бир яшар невараси қайноқ сувга куйиб қолган. Бундан хабар топган иккиси қўшнилар дўйпинсиз осмонга отган...

Яна қўшнилар хаёт билан боғлиқ бир мурожаат. Биз ҳаётимиздаги аслида катта кўринишга эга бўлган муаммола кичкина, арзимас ҳолат деб қараймади. Мана шу кичкина муаммолар ортида катта йўқотишлар турганини кеч англаб етамиз. Тошкент шахрида яшовши Чинора исмли аёлнинг ҳовлисига чиқиндиларни ёқиб юбориши иккиси қўшнининг соглигига жиддий таъсир кильмоқда. (Аслида унга



ота-онаси чинордек мустаҳкам, даражатларга, табиятта меҳри бўлсин деган ниятда шу исмни кўйган бўлса не ажаб) Чиқиндиларнинг аччик тутини ён тарафдаги кўшнининг ҳовлисига ки- рар экан. Бу қўшнининг астма касаллиги бўлиб, тутунли ҳавони ютгач, соғлиги ёмонлашиб қолган. Қўшниси чиқиндиларни ёқамслигини сұраб бир неча маротаба илтимос килган.

Чинора эса: "Менга шуниси қулай, ёқсан ўз уйимда ёқлапман, кўчада эмас", деган жавобни берган. Қўшни аёлнинг тоқати ток бўлғач уни жаримага тортириб юборишига мажбур бўлган. Шу сабаб улар ўртасидеги жаҳн уч йилдан бўн давом этти. Воқеани ўрганинниизда ёқа ушлашга мажбур бўлдик. Энг қизиги нима биласизми, ўша кўчада йигирмата хонадон бўлиб, ушбу хонадонлар деярли бир-бірларига жуда якин яшар экан. Чиқинди ёқадиган аёлнинг лакаби

"Бибиси" бўлиб ҳар доим кўчада ўтирад, ўтган кеттганга маълумот бериш унинг одат тусига кирган. Унинг гийбатчилиги ҳаммага маълум бўлиб, қўшилар шу важдан унга индамас экан. Битта одамни бундай зўравон аёл билан курашига кучи етмаса, поқап беш-унта бўлиб гапиришса у ҳам кулогига оладику. Хуллас ўша кўчадаги йигирмати

кимдан нажот бўлмаган. Ўша оила яшайдиган маҳаллада бир неча марта ҳаж сафарларига бориб келган ҳожи оталару ҳожи оналар яшайди. Улар қўшнининг ўйда бўлган воқеани эшитмади деб бўладими. Аспо, тешик қулоқ ҳамма нарсанни эшитади. Хуллас ўша аёл эридан калтак етаг насиаси ва уаси келиб олиб кетган. Иккита ёш бола эса ота билан қолган. Ота куни бўйи ўзиши билан машғул, тириклик учун бозорга кетар, иккиси оиласыннан гўдаклар ўйда ёлиз қоларди. Куннинг на исиги, на совуғ демай кўчада юради. Наҳотки шу гўдакларни ранги-рўйи, ахволини кўриб бирорта қўшнининг викодони ўйғонмаган бўлса? Оиласда бўлиб ўтган воқеадан маҳалла маъсуллари ҳам ха- бар топишмади. Чунки ҳеч ким бу ҳақда лом-мим демади. Ахир маҳалланинг сирини кўчага олиб чиқиш уят саналади бизда.

Хуллас ўша аёл яшайдиган маҳалла оқсоқолига кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтириди. "Бизни бундан хабаримиз йўқ, аёлни ўзимиз, бирорта қўшниси ҳам бу ҳақда огоҳлантирмади. Воқеани ўрганиб тез кунда сизларга бу ҳақда хабар берамиз", деди оқсоқол. Орадан кўп ўтмай Насиба кўнғироқ қилиб, маҳалла фаоллари эрини тартибиға чакириб, уларни яраشتариб кўйганини, бундан кейин шундай ажвал таффорланса унга қаттироқ жазо тайинлаш учун ички ишлар ходимларига мурожаат қилишларини билдиришибди.

Бизни эса бир нарса ўйга толдиради. Бир оиласыннан иккиси гўдак уч ой давомида она меҳри, эътиборисиз яшаган. Атрофдагилар эса бунга томошабин. Нега қўшнимизнинг ўйда нотинчлик бўлса уни инсоға чакириши ўзимизга эп кўрмаймиз. Аммо атрофимизда бирортара ножӯй иш қилаётанини ёки ҳалокатта учраганини кўрсак, дарров телефонимизга муҳрлаб, ижтимоий тармоқка жойлаштирамиз. Куни кечак ижтимоий тармоқда берилаётган бир автоҳалолатка кўзим тушиб қолди. Ҳайдовчи машина ичидаги азобланиб, ёрдам сұраб додлаб ётиди, атрофдагилар эса унинг холатини телефонга муҳрлаб шилан овора. Шунчалар томошага уч эканмиз, қўшнимизнинг хотинини ураётанини, боласини кўчада қаровсиз юрганини ҳам тармоқка чиқарди, отани тартибиға чакириш учун хиссасимизни кўшсак эди...

Нигора РАХМОНОВА.

Иккиси оиласыннан кattаларни йигиб, уларга муддаомизни айтдик. Биргалашиб чиқинди ёқувчи аёлни кириб бордик. Кўпдан ёв хам қошиб кутуломас деганларидек, аёл бир зумда муроса йўлига ўти. Яқинда унинг устидан бизга шикоят килган аёл кўнғироқ қилиб, Чинора чиқиндиларни маҳсус жойга олиб чиқиб ташлаётган, шу воқеадан сўнг бирор марта ҳам ўйига тутун хиди ўраламаганини хурсанд бўлиб сўлаб берди.

Сурхондарё вилоятида яшовчи Насиба исмли аёл таҳририятта телефон орқали мурожаат қилиб, ўз уйига киритиб кўйишимизни илтимос килди. Аёлнинг айтишича, уч ой олдин эрхотин ўртасидеги катта жанжал келиб чиқсан. Эр жаҳн устида хотинини қаттиқ дўйпослаган, аёл ҳушини йўқотган. Болалари дод-фарёд қилиб йигирлаб одамларни ёрдамга чакиришган, ҳеч

## Mahallamiz tarixi

Баҳорнинг инжик күнларидаги осмон кўз-ёш тўкканда, сеп атаплиши ёқимсиз ҳолатдан доими бизни асрайди. Агар "Қорасой" бўлмаганда, бизга қандай кутилмаган "совғалар" беришини тасаввур ҳам қила олмайман. Чап тарафдаги сойимизда Ҳизр ҳассаси тикилган еттита булоқ мавжуд. Бизнинг оби-хаёт манбайимиз айнан шу сой. Унинг номи "Оқсой".

Пойнисиз даладаги мевалар гарк пишиб ётади. Ҳамма нозу неъмат ҳалқини. Гўёки, маҳалламиз "Сусам-бил" эртагидаги жойларга ўхшайди. Азизлар, маҳалламизнинг таърифидан сўзлайдиган бўлсам, "Алломиш" дек катта достон, "Уғқ" дек йирик асар яралади. Яхшиси, кишлогимизга бир келиб кетинг. Бу таклиф нафақат мендан, балки етти маҳалламизнинг етти уруғи чин қалбидандир.

Равшанбек РАЙСОВ,  
Наманган шахридан 82-мактаб-  
нинг 10-сinf ўкувчisi.

## ARIG'IMIZ "ZUV", O'RIGIMIZ "QAND"

### Qishlog'imiz shundan "Zuvutqand"

деб бошингизни эгсангиз дўйпингиз тушиб кетгудек бўлса, қўз очиб юмгунча оқизиб кетар экан. Шунинг учун шу арикни "Зув", яни тез деб аташган экан. Үндан ҳам ҳайратланарлариси, шу арикнинг бўйида бир тондак ўрик бўлиб, ўша ўрикни еган одам қайтиб новвотга қайрилиб қарамас эмиш. Шу қадар ширин, шу қадар тўймил эканки, қандак ўрикдан иккитасини оғзингида солиб олсангиз, унинг куввати бутун кун давомида етаркан. Шу шу аригимиз "зув", ўригимиз "қанд" бўлиб "Зувутқанд" дунёга келибди.

Маҳалламиз ҳам қишлоқнинг энг чекка ҳудудида жойида. Очигини айтсан, бизнинг маҳаллада бирон-бир ножӯя иш қилиб бўлмайди. Сабаби, бир ондақ овоза бўлиб кетади. Кимни маҳалла шаънига из бўлса ҳам гап олиб берса борми, ўша одамни этии маҳалламизнинг етти уруғи тергаб

чиқади. Борингки, кимнингдир бошига иш тушиб ёрдам керак бўлса-ю имконияти бўла туриб, бирон кимса ўзини четта олса, шу ондақ ҳолига вой, зиқнларнинг "Қора рўйхат"ига киритилади. "Қора рўйхат"га кирган одамнинг экини учун энг охирида сув берилади, "Қора рўйхат"га кирган одамга барча қоғоқ уйиб, кўйингчи, ҳамма ўргира қарагандек қарайди. Шунинг учун ҳеч ким ҳашар деса қоймайди, ёрдам деса иккиси қўлини очиб, "мана мен ёрдамга тайёрман", деб туради.

У бу деймизу, энг асосий гап маҳалламизнинг фирдавсмонанд таътида. Ўнг ва чап томонида иккита катта сой бор. Сойда қишин-ёзин тўлиб, гавҳардек тиник, мавжлии сувлар оқади. Сой бўйидаги дўлданаларни айтмайсизми, "ox-ox" кўрганинг кўзи қувнар, еганинг дили. Ўнг тарафдаги сойимиз "Қорасой" дейилади. Сабаби,


маҳалламиз номининг маъноси ва нима учун бундай деб атаплиши шу қадар кизижи, бир эшигтандаёт одамга ёд бўлиб кетади. Гап шундаки, қадим замонларда қишлоғимиздан катта бир арик ўтган экан. Айтишларича, арикнинг суви шу қадар тиник ва шу қадар тез оқар эканки, сув ичаман

# QOC' OZGAMAS, QALBLARCA YOZAYLIK

Кирк йилдан ортиқ журналист сифатида қанчадан-қанча хотин-қизлар уларнинг фолияти, тақдирни билан танишдим. Мақтоловларнинг қалови ўзидан ўзи кела-веради. Аммо... эрининг, раҳбарларнинг, атрофидагиларнинг тошбагирлиги, худбинлиги, нодонлиги туфайли тақдир чорраҳасида гўдакларини багрига босганд ёлиз аёлларга ёрдам бериш, улар оналик ва аёллик баҳтига эришиб яшашлари учун кўлимдан келганича қилган ҳаракатларим... Уринишларим бир чақалик ёрдам бермай, қанчадан-қанча давлат идораларидан қалбим йиглаб чиқкан кунлар ўша даврлардаги матбуот саҳифаларида қолди.

Жамиятимиз энг бошлангич бўғини – оиласалардан бошлаб тинч, мустажам, баҳтилисаодатли бўлиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўлами йил сайнин ортмода. Лекин бу саъй-ҳаракатлар хонадоннинг устунлари бўлган эру хотиндан фарзандлар олдиаги бурч, масъулитни заррача енгиллаштирамайди. Айниқса қизлар соғу саломат, имм да хунарли, фаросатли, ор-номусли, меҳр-шағатли бўлиб улгайши учун оналардан фидойилик талаб қилинади.

...Икки йилча олдин Наманганинг Чорток туманида мактаб ўқувчиси – ўн тўрт ўши қиз фарзанди бўлгани ҳақида интернетда берилган хабарда “Отаси чет давлатга ишга кетгани, бозорга ишга чикадиган онаси қизига “бир оз эътиборсиз бўлиб қолганд” ёзилганди. Аммо мактаб ўқитувчилари билан сұхбат чоғида ўша қизнинг кўзи ёриши арафасида ўқувчилар формасида сўнгига кўнгироқча ҳам келганини, лекин ҳеч ким қизда бирор ўзгариш сезмаганини айтишганда, “бир оз эътиборсизлик”нинг даражаси айрим кишилар учун деярли гафлатга тенглигини англа-гандай бўлдим. Балки бола жуда кичкина... йўқ, 3 килою 200 грамм туғилган! Бирорининг кўргулигини майдалаб баён этиши ҳавасманд эмасман. Киши ҳайрон қоладиган томони шундаки, ҳомиладорликнинг инкор қилиб, яшириб, бошқача талқин қилиб бўлмайдиган белгилари, ҳолатлари борки, у бир-икки кундан кўриниб, кейин йўқолиб кетмайди. Бу даврни жуда осон ўтказган аёл ҳам нималардандир юз ўтиради – кўргиси ҳам, егиси ҳам келмай қолади, кун сайнин тўлишиади табиатан нозик, кўнгли бўш бўлиб қолади ва ҳоказо... Наҳотки, шу қизда бўлаётган ташки ва руҳий ўзгаришларни тўқиз оғ давомида на она, на бир муалимга пайқамаган бўлса?! Шунчалар лоқайд,



таълим-тарбияси сенга топширилган боладан қалбан шунчалар узоқ бўлган кишиларга ёшлар тарбиясини топшириш мумкини? Аввало она, мактабдаги ўқитувчилар болага, айниқса, қизларга озигина бўлса-да, эътиборсизлик қилишлари мумкини?

“Ҳамаса масаласа ижобий ҳал бўлди. Қиз мактабда ўқишини давом эттияпти”. Ноқонуний тугилган боланинг отаси бўлмиш ўнчини синф ўқувчиси бошқа мактабга ўтказиб юбориши, балогат ўшига етишганда, ўша қизга ўйланишга сўз бериди – ҳужжатларда қайд этилган бу далиллар масала ижобий ҳал этилди, деган қарорга асос бўлган.

Хотиржам нигоҳлар, хотиржам изоҳлар ичра мен бир нарсан – биз ўзимизнинг лоқайдигимизни, онамизу... фарзандимиздан, устозимизу... ўқувчиларимиздан, қўшинни қариндошмизу... яқинларимиздан бунчалар узоқлашиб бораётганимизни кўрдим. Ҳаёт тажрибаси кўп бўлганлар ёшлардан, уларнинг юриш-турлиши, қизиқишлиари, хатою иккиланишларидан узоқлашганда рўй бериши мумкин бўлган, на давлат ва муқаддас динимиз конун-қоидаларига тўғри келмайдиган ҳолатларниям қогозларда “ижобий ҳал этиб”, эртаги кунга хотиржам одимлайвермизми? Тўғри, гишт қолидан кўчди, унга кўнгикмасдан бошқа илоҳий. Аммо эртага яна шундай воеқа қайтарилиаслиги, юзимиз шувит бўлмаслиги учун уйгониш, самарасиз ишлардан кечиб, натижаси ҳар лаҳзада

Қадрдон, келинг, қоғозга ҳисоботларни тўлдиришдан олдин қалбимизни очайлик: эртага (истасак-истамасак) ҳалқимиз, Ватанимиз келажаги қўлига топшириладиган қизларимизни ўз номио мавқеига муносаби улгайтишишимиз учун нималар килишимиз керак? Оналарни, фарзандликни ҳимоя қиладиган қонунларимиз қониқарлами, улар ишляптими?

кўз олдимизда кўзгудагидек акс этиб турадиган иш услубларини топишимиз керак. Мактаб, маҳалла, туман миқёсидағи махсус йиғилишларда юқоридаги ҳолатлар мухокама қилинган. Ҳужжатларда бир катор тадбирлар белгиланган: “Қизларнинг маънавий савијасини ошириш; индивидуал ишлаш; оиласавий шароити билан яқиндан танишиш...” – қачончагча қозода “ишлаймиз?” Бу фикримни бир қатор мисоллар билан далиллашим мумкин. 2017 йил октябрь ой-

ида Фаргона вилояти Фаргона туманининг Шаҳимардан қишлоғида қайнона-келиннинг жанжали фожиали тутади: келин тасодифан қайнонанинг котили бўлди. Ҳолбуки, ўғли: “Шу қизга ўйланаман”, деб туриб олгани учун тўй қилингани, аслида, бу келин аввалдан қайнона-еъмаганнинг кўникушни қариндош-уруларнинг ҳаммаси билишган. Баъзида ярим кечаларда ўз ўйига бир аҳволда кириб борган келиннинг отаси эркак қудасига ҳамда маҳалла фаолларидан бири бўлган аёлга вазиятни ўрганиб, қайнона-келиннинг келишиб, тинч-тотув яшишга ёрдам беришларини сўраган. Лекин уни бошқа оиласларни ишларига араплашида айлашиби, ёлиглик қозонин яна маҳкамро ёпиб кўйшаверган. Токи... ўша куз оқшомидаги машъум фожиага саноқли даққикалар қолганда ҳам, қайнона-келиннинг жанжали овозини ўшитган кўши – маҳалла раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари ... деворининг нариги томонидаги ҳамсояларинида яна навбатдан рози бўлиб яшашини истайман”, деб Юртбошимиз тақор-тақор айтмоқдалар. Кимлардир ўз муаммолари билан ўзи ёлиз, чеккада қолиб кетмаслиги, ўзининг азиз инсонлигини, элу юртга кераклигини англашига ёрдам бериси, адашиб ёзи жаҳл устида хато йўлга кириб кетишининг олдини олишининг жамиятимиз учун фойдаси, савоби бир-бирининг курук тақори бўлган тадбирлардан олинадиган вақтичалик кўнгил ҳушлигидан устун ва афзal!

Айни ўтиш даврида оиласавий мұхит, ота-онанинг меҳрзислиги туфайли адашган, кўчага чишиб кеттан бир неча қизлар билан яқиндан танишиб, сұхbatлашганимда, қалбимни қаттиқ оғритьган ҳолат шу бўлдики: ўзлари гулдек, фикру мулҳазаси соглом қизлар, ёш бўлишига қарамай, уларнинг орасида илм-фанда, санъатда, спортда, жамоат ишларидан тенгдошларига ибрат бўладиган мұваффақиятларга эришганлари ҳам оз эмас. Тақдирларининг умумий жиҳати – ота-онаснинг аҳил эмаслигидан келиб чиқадиган нотинчилек ва етишмочиликтар, меҳрзислика, ҳатто жисмоний зулмга ҳам чида бяшашган, аммо ота-онанинг оқибатсизлигини, миннатини, танасини, ор-номусизлигини кўтаролмай, ўз тириклиги ўзи топиш ниятида кўчага чишиб кетишган.

Қадрдон, келинг, қоғозга ҳисоботларни тўлдиришдан олдин қалбимизни очайлик: эртага (истасак-истамасак) ҳалқимиз, ватанимиз келажаги қўлига топшириладиган қизларимизни ўз номио мавқеига муносаби улгайтишишимиз учун нималар килишимиз керак? Оналарни, фарзандликни ҳимоя қиладиган қонунларимиз қониқарлами, улар ишляптими? Ҳалқимизнинг, хоссатан, оналар ва қизларнинг бу борадаги ҳуқуқий савијасини оширишнинг самаралари йўллари қандай? – шулар ҳақида биргалишиб мушоҳда қилайлик, аниқ ишларни бошлайлик.

**Мұхтарама УЛУГОВА,  
Республика Маънавият  
ва мәтирифат маркази  
масъул ходими.**

# BURCHIN ADO ETDI MATONAT BILAN

**Э**ллинг мард, жасур, билимли ва ватанига садоқатли фарзандлари жуда кўп. Уларнинг аксарияти халқ тинчлик осойишталигини саклаш ва хукуқни муҳофаза қилиши тизимида хизмат қиласидар десак муболага бўлмайди. Чунки муттасил хушёрлик, тезкорлик, ҳозиржавоблик, фидойлилик талаб қилинадиган фаолиятимиз давомидана сафимизни ҳам жисмонан чиниқсан, ҳам билимли ходимлар тўйдирганидан фархтуйгусини ҳис этамиш.

Афсуски, 39 ёшида бевақт ўлим орамиздан олиб кетган ҳамкашибимиз Дилшод Бобоев ҳам ҳар канча фархланса ва ишонса аргизулик ходим ва раҳбар эди.

Дилшод 1981 йилнинг 7 декабрида Учи туманида туғилган, 2003 йилда Наманган мухандислик педагогика институтини тамомлаб, ҳарбий хизматни ўтагач, 2005 йилнинг 10 октябрдан бошлаб ички ишлар органларида хизмат фаолиятини бошлаган эди.


Ўтган йиллар давомидан Учи тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмаси хукumat муассасалари, иқтисодиёт ва бошқа ташкилотларни қўриқлаш бўйича милиция отряди "Кизил-ровот" сув иншоотларини қўриқлаш бўйича 2-милиция взводи милиционери, Наманган вилояти ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси қўриқлаш фаолиятини ташкиллаштириш бўлими катта инспектори, штатларни қайта ташкил этилиши мусносабати билан Наманган тумани ИИБ хузуридаги ту-

манлараро қўриқлаш бўлими бошлиғи, Наманган вилояти ИИБ хузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 1-алоҳида милиция батальони командирининг ШТБИ бўйича ўринбосари, турлийилларда Мингбулоқ, Норин ва Мингбулоқ туманлари ИИБлари хузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Чуст тумани ИИБ 4-сонни ички ишлар бўлинмаси, хукуқбузарликлар профилактикаси гурухи, ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспектори, Чуст тумани ИИБ Хукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспектори вазифаларида сидидилдан фаолият олиб борди.

Дилшод Бобоев 2019 йилнинг сентябрь ойидан бўён Ноирин тумани ИИБ ташкилий бўлинма бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди. У ўзишини сидидил, беками кўст бажариш асносида муҳтоҷ оилалардан, инсонлардан кўмагини аямади. Изланди, имкон топди, барчага яхшилик улашиша ҳаракат қилди. Унинг саҳоватидан баҳраманд бўлганлар ҳамиша дуода бўлдилар.

— Анчадан бўён ёғиз яшиман, — дейди "Норинкапа" МФЙ, Мустақиллик кўчасида яшовчи Донохон Аҳмедова. — Оилаларни ўрганиш чогида холимдан хабар толган ИИБ ходими Дилшодбек Бобоев тез орада менга қорамол кептириб берди. Унинг нафакат маддий, балки маънавий маддади билан ҳаётга бўлган муносабатим, ишончим кескин ўзгарди. Барака топсин, шундай қали пок, гўзал фазилатлар эгаси бўлган йигитни камолга етказган отонасига минг раҳмат дедим. Орадан бироз вақт ўтиб, бу йигитнинг бевақт вафотини эштиб, чукур қайтуга тушдим. Аллоҳ раҳматига олсин, хайрли ишларининг сабабини зиёда қилисин, илоҳим.

— Ташкилий бўлинма



— Дадажонимиз ҳар куни биз ухлаб қолган пайтда ишдан қайтар эдилар, — дейди фарзандларнинг тўнғичи, 14 ёшли Мухлисанон. — Эрталаб үйғонмасимиздан яна ишга жўнаб кетган бўлардилар. Ҳаттоқи, байрам ва дам олиш кунларида ҳам бағримизда жуда оз вақт бўлардилар.

— Дадажонимиз ҳар куни биз ухлаб қолган пайтда ишдан қайтар эдилар, — дейди фарзандларнинг тўнғичи, 14 ёшли Мухлисанон. — Эрталаб үйғонмасимиздан яна ишга жўнаб кетган бўлардилар. Ҳаттоқи, байрам ва дам олиш кунларида ҳам бағримизда жуда оз вақт бўлардилар.

— Дадажонимиз ҳар куни биз ухлаб қолган пайтда ишдан қайтар эдилар, — дейди туман ИИБ бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Гуломжон Узоков. — Талабчанлик баробарида инсонийликни ҳам унумасди. Ҳаммасбларига эътиборли, ғамхўр, дўстлари жуда кўп эди. Ҳамманинг хурматини қозондин, барчага ўнрак эди. Бу ҳаммасбларимиздан ёрқин хотира қолди. У доим қалбимизда яшиади.

Чиндан ҳам, Дилшод Бобоев нафакат ўз қасбина хурмат қиласидан ходим, балки оиласини беҳад қадрлайдиган инсон эди. Турмуш ўртоғи,

касбси ўқитувчи бўлган Ферузахон билан уч фарзандни камолга етказётган, барча оталар каби унинг ҳам ўғли-қизлари баҳту камоли билан боғлик бир олам орзулари бор эди. Минг афсуслар бўлсинки, бу баҳтиёр оиласга мусибат соя содди, ҳаёт қаттиқ синов қаршисида колдирган. Аммо биз Ферузахоннинг кучли матонат ва бардош эгаси эканига ишонамис ва унга, фарзандлари чиройли сабр тилаймиз. Тўғри, Мухлисанон, Диёрбек ва Элбек ҳали жуда ёш. Бирок отаси колдирган эзгу йўл, яхши ном ва ёрқин хотира уларнинг ҳаёт юйларини машъала янглиг ёритиб туради. Бу гўдакларнинг бугунги охи, согинчини сўларга сидидир ифодалаш жуда қийин. Ер юзида ҳеч бир бола бевақт ёнгизиз ишиксиздан айримасин экан.

— Дадажонимиз ҳар куни биз ухлаб қолган пайтда ишдан қайтар эдилар, — дейди фарзандларнинг тўнғичи, 14 ёшли Мухлисанон. — Эрталаб үйғонмасимиздан яна ишга жўнаб кетган бўлардилар. Ҳаттоқи, байрам ва дам олиш кунларида ҳам бағримизда жуда оз вақт бўлардилар. Биз ҳали дадажонимизнинг меҳрига тўйиб улгурмаган эдик. Ҳалигача уларнинг оламдан ўтганиларига ишонгимиз келмаяти. Қаниди, бу кунлар бир туш бўлсайди...

Бизнинг ҳам қалб оғригимиз бу қизалоқнидан сира кам эмас. Аммо на илоҳ, Яратганинг иродаси экан. Сафимизни бевақт ўлим туфайли жуда эрта тарк этган жасур ва юраги тоза ҳамкашибимиз Дилшод Бобоевнинг ёди ҳамиша дилимизда. Охират обод бўлсин. Марҳумнинг оиласи, фарзандлари ҳамда отаси Рустамжон ака, волидаси Қундузхон аяларга Аллоҳдан сабр сўраймиз.

Умаржон АБДУВАЛИЕВ,  
 туман ИИБ бошлиғи,  
 подполковник.

**А**ёлни эъзозлаш, унга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш, бунга узвий равишида оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш мустақиллик йилларида давлат сиёсатида дараражасига кўтарилид. Ўзбекистоннинг замонавий аёли – таълим олиб, касб эгаллаётган, хизмат даражаси пиллапояларидан кўтарилиб, мамлакат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этаётган ижтимоий фаол шахсдир.

Оила ва мамлакатимизда ҳукм сурәттаги тинчлик-осойишталаки, яқинларининг саломатлиги, баҳтсаодати хотин-қизларнинг эртагани кунга ишончни ошириб, кайфиятига ижобий таъсири кўрсатадиган асосий омиллар.

Буғунги кунда кўллаб ёш қизлар, вёлларимизнинг асосий мақсади

ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жаражида фоалликни ошириш, юқсан маънавий фазилатларни мушкассамлаштириш, миллий тафаккурни шакллантиришдан иборат.

Ёшларни мадданий, тарихий анъаналаримизга хурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, қизларни оиласий турмушга тайёрлаш, тадбиркорлик ва касб-хунар ўғратиш бугун кунининг долзарб масалаларига айланди.

Шу билан бирга мустақил мамлакатимизда қўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, мукаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Буғунги кунда меҳр-оқибат, бағригенглик, ҳаммажиатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадриятларга хурмат, ватан келажагига масъулият ҳисси юрагимизнинг тубубидан ўрин олди.

Лекин, ҳар доим ҳам ватан туйгусини хис қимай яшаб юрган ёки осон йўл

билан маддий томондан бойиш орзуси билан ноқонуний йўллар орқали чет давлатларга чиқиб кетган аёлларимиз ва ёшларимиз сонини кўплиги ачинарли ҳолдир. Ўз гўдагини, вояга етиб келабтган фарзандларини келажагини ўйламай уларни ўзглар қарамоғига ташлаб терроризмнинг ўчига бўлган Суря давлатига чиқиб кетиш ҳолатлари содир бўлган.

Ватан қадрни хис қимлаган аёлдан, фарзандларининг келажагини кўра билмаган онадан меҳр-муҳаббат, садоқат ва вафо каби туйғуларни кутиш амримаҳолдир.

Шу сабабдан, тумандаги ҳар бир маҳаллада жамоатчилик асосида "Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мувофиқлаштириш" бўйича тарбибот


гурухлари фоалиятлари давомидан нотинч, оиласий ажрим ёқасига келиб қолган, ижтимоий химояга муҳтоҷ, ишлиз, жиоятилик ва хукуқбузарликка мойиллиги бор хотин-қизлар билан якка

тартибида сувбатлашиш, уларни маънавий-маърифий тадбирларга жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, "Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мувофиқлаштириш" бўйича Сирдарё туман тарбибот гурухи томонидан "Тараққиёт" маҳалласида ҳам уйбекалари ўртасида мамлакатимизда олиб борилабтган ислоҳотлар, хотин-қизлар учун яратилабтган имкониятлар, уларни диний экстремизм ва терроризмга қарши курашларда фоаллигини ошириш, чет давлатларга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетишини олдини олиш ва кийиниш маданиятини тарбибот бўйича тарбибот ишлари олиб борилди.

Умидда МИРЗАРАПИЕВА, "Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича" Сирдарё туман тарбибот гурухи раҳбари.

# O'QITINCHI – MA'NO DENGIZINING JAUNHARI



Эрта тонгдан қушларнинг сайраши, онам очиб қўйган деразадан кирган майнин шабаданинг тафти юзимни силар экан, онажонимнинг:  
– Тур, болам, мактабга кеч қоламиз, – деган сўзлари жаранглади.

Бу сўзлар мени 11 йил давомида мактаб томон чорлаган. Лекин ўша чогда бу сўзларнинг моҳияти ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Мана, йиллар ўтиб мен ҳам онам каби она бўлдим, шу инсон каби устоз бўлиш шарафига муссар бўлдим. Айни дамларда эса шундай бир улуг баҳт насиб этди-ки, мен онажоним танлаган йўли ва касби ҳақида ёзиш учун кўлимга

қалам олдим. Оппон қоғозни қоралар эканман, онамнинг бизга берган таълим-тарбияси буғунги кунда фақат олдинга интилишга чорлаётганини хис қилдим. Улар ҳам оддий ўқитувчи бўлганлар, вақти келса бизни ҳам унтиб, бошқаларнинг фарзанди учун бор имкониятини исла солиб, меҳр билан дарс ўтардилар. Мен уларга ҳавас билан бокар эдим, ўша чогда уларга ўхшаб ўқитувчи бўлиш истаги пайдо бўлди.

Ота-онам биз фарзандларига тарбия беришнинг ажойиб усулидан фойдаланганлар. Китоб жавони бизнинг хонамизга жойлаштирилган, китоб олганни кунора хонамизга кириб туришарди. Улар ҳар сафар китоб олаётганини билан қизикиб, жавондан ўзимизга мос

китобни олиб ўқир эдик. Ўтириб дарс тайёрласалар, биз ҳам ёнларига бориб дарс қилишига чоғланар эдик. Уй вазифасига тушуммай қолган вақтларимиз ёрдам сўрасак, ўзин мустакил ҳаракат қил, дер эдилар. Биз бундан хафа бўлар эдик. Аслида эса улар бизни ўз устимиизда ишлашга ўргатган эканлар. Ҳамма нарсага ўз кунинг, меҳнатинг билан эришсанг, тотли бўлади, дер эдилар. Мана, ҳозир мана шу гапларнинг мағзини чақаяпмиз. Биз ҳам улар каби инсонларга айландик. Уларнинг қатъий тартибда туттан йўллари буғунги кунда биз эришган ютуқларимиз дебочаси, десам муболага бўлмайди.

Мен ўқитувчи бўлиш машаққатини ўқитувчи бўлганимда билдим. Ҳам фарзанд тарбияси, ҳам рўзгор ташвиши, ҳам бошқаларнинг фарзандига таълимтарбия бериши инсондан жуда катта матонат ва сабр талаб қилишини англадим. Бу йўлда вазифасини одилона бажариб, айни кунларда нафақада кесалик гаштини суроётган ота-онам энди фақат биз ҳақимизда қайгурадилар. Улар "Болам, тўғри йўлдан адашма, мақсадинг сари фақат олдинга ҳаракат қил", деб маслаҳат берадилар.

Ўқитувчилик касбига "Ҳа, бу оддий ўқитувчи-ку!" деган назар билан қарайдиган инсонлар ҳам орамизда афсуски, учраб туради. Мен беҳиз бунга алҳоҳида тўхталаётганим йўқ. Бундан иккι ярим ой аввал ҳали янги жамоамдаги барча ўзига хос "паст-баландлик"ларни тўлиқ ўзлаштиримай турриб, ҳамма жараёнга тўғри кўз билан бўкканлигим боис, бир ҳолатга тўйнаш келдим. Мана шу жараёнда мента нисбатан, тўғрироги, нуфузли мавқега эга раҳбар аёл томонидан ўқитувчилик

касбига нисбатан ишлатилган бир жумла менинг ўрнимдада бўлган ҳар қандай ўқитувчи бўлган инсонга оғир ботиши айни ҳақиқат: "Ҳа, энди бу номутахасис, бор-йўғи ўқитувчи..."

Мазкур айтилган гаплардан сўнг узоқ ўйладим ва бир хуласага келдим. Аслида, ба раҳбар мена эмас, ба сўзларни айтиб ўзининг қай дараҷада "савиля" раҳбар эканлигини кўрсатиб кўйди. Бугун биз ҳай касб гаси бўлмайлик, хоҳ раҳбар, хоҳ оддий бир иши, аввало, инсонлигимизни, бозиди салом бериши малол келадиган оддий бир устоз бизни шу дараҷага эришишимиз учун тамал тошини кўйиб бергандигини унумаслигимиз даркор.

Мактабда ўқиган ҳоғимизда устозимиз айтиган ҳар бир гапда бир маъно борлигини англешимиз, тўғри хуласа чиқаришимиз лозим. Чунки улар бизга ҳар битта фанни ҳаёт билан боғлаб тушунирадилар. Устоз қайси фандан дарс ўтмасин, унинг ҳар бир сабоги ҳаётнинг ҳар онда аскотади. Бу эса ўз ўрнида ҳаётда, керак бўлса ҳар қадамда галимизни ўйлаб галиришимиз, дилозор инсонга айланни колумаслигимиз лозимлигини ўргатади.

Ўқитувчилик зотида буюклик йўли саналмиш сабр бор. Сабр – энг гўзал фазилат. У бизни баҳтимизнинг баланд погоналарига олиб чиқади. Балки шу маънода ҳаљ шоири Эркин Воҳидов ўқитувчини "Буюклик чўйқисига элтувчи экскаватор", дей таърифлагандир. Бирор орзулагра осонликча эришиб бўлмайди. Тақдирнинг турфа синовларига бардош беришимиш ва ҳаёт чорраҳасида дадил қадамлар билан одимлашимиш шарт.

**Дилдора АБДУРАҲМОНОВА,  
Тошкент вилояти.**

викори бор. Гўзал ва чиройли оқими бўйлаб, "Кетмоқдаман" кўшигини кўялаётган хоғиздек манзилига кетиб борарди.

Нукус оғам илк келган кунларимданоқ мени қучоқ очиб кутиб олди. Эш ва навқирон йигитлардек кўркамлашиб кетган бу шаҳар. Пойтаҳт: Баланд, осмоннупар бинолар қурилганти. Дараҳтлар экилган. Одамлар ишга, ўқишига шошиб юришади. Ҳаёт қайнаб турибди. Мен эса яна оропни ўйлайман. Ороп, ороп! Тезроқ қайт! Сенга муҳтоҳман. Дараҳтлар, кушлар, одамлар сенга муҳтоҳ.

Мўйноқни согиндим. Қишлоқда амаким бир этак болалари билан яшарди. Мехмонга борсак, камтаришон дастурхони билан ийманигина амакимнинг хотини, момом пешвоз чиқардилар. Мўйноқ ўша, бир тиши тушиб қолган, файзли момомга ўхшарди. Ороп йўқ. Аммо баҳтилдек, кулиб турган гўзал аёл суврати. Момоникида қаттиқ нонни ҳам болалар билан талашиб-тортишиб ёрдик. Мазали бўларди. Болални хотираларимдан бу. Мўйноқ ҳам бугун оролсиз. Афсоналарга кўра, юз йилда бир чекинган ороп ҳали янга қайтади. Мўйноқда янга ҳаёт булоги қайнаб, табиат яшилликка бурканади.

Мен бу заминдан кетишин истамасдим. Болажоним ҳам шу ерда туғиди. Кун келиб, Чирчиқ томонларга (Тошкент вилояти) кетар бўлган тақдиримда ҳам, боламни юбораман. "Бор" дейман. "Сен тарихни ўша маконлардан ўрганиши бошла!" деб айтаман. Ҳа, тарихи Қорақалпогистонда, ер қатламлари остида, устида... Хуллас, болажоним катта бир инсон бўлиб, илмий иш килгунига қадар орол ҳам қайтади.

**Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,  
Қорақалпогистон Республикаси.**

# OROL BIR KUN QAYTADI...

Ярим тун. Соат 00.01...

Қорақалпогистон диёри. Қандай гўзлал макон-а, бу ерлар. Тарихга қизиқсанлигим учун бу худуднинг узоқ тарихи билан юзлашиб, материаллар тўплаш иштиёқида қизиқарни маъмуроттар йигиб борялман. Дўйстлар ортияпман. Баҳтли, Улбўсин, Гулайим – дугона кизлар.

Ўтган йили кузда Мўйноқка бордим. Яна боргим келяпти. Орол билан сирлашмокни истаяпман. Хууув,

„Утган йили кузда Мўйноқка бордим. Яна боргим келяпти. Орол билан сирлашмокни истаяпман. Хууув, олислардаги мен кўрмаган гаройиб кушлар ҳақида кўп эшитганим. Парвозга шай туршишибди, мени кутишяпти. Ҳа, мени кутишяпти. Тушларимда мавжуланаётган Орол қайтаман, сен тезроқ кел, кел", дейа ўзига чорлайверади. Бу туш. Ёқимли туш.


Сиз ҳам эшитапсизми, дардли кўй тараляпти. Қўйбиз, чанковуз оҳангни арапаш жиров достоң айтапти. Баданим жимирлаб кетди. Ҳудди ер айланни тезлашашётгандек. Жировнинг овозидан қайрагочлар ҳам силкиниб кўяди. Қўзларнинг юминг. Эштилдими? Эштилами? Эштилдими? Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА, Қорақалпогистон Республикаси.

тигланг. Балки шунда менинг ҳисларни қалбан туйиншигиз мумкиндири.

Қорақалпок диёрида жуда кўп археологик тарихий объектлар бор. Қаранг, асрлар ошса ҳамки, маҳобатини ўйқотмаган кадимги шаҳарлар, мудофаа кўргонлари. Амударё, Элликкаль, Тўрткўн, Кегейли, Хўжайли... Ва яна давом этитирарверсам бўлади. Бу туманлар Қорақалпогистоннинг мўйсафидлари.

Жим туришади. Сокинлиги билан салобати босган қадимги шаҳарлар. Биринчи марта поездда келаётганимда, узоқдан, Шилликқа кўзим тушганди. Турмуш ўтогон тарихини гапириб бергандилар. Шиллик ўз даврида, зардушилийлик дини эътиқодчилари учун даҳма вазифасини ўтаган экан. Даҳма! Илгари ўлган одамларни шу маконга ташлаб кетишиб, гўштини курт-кумурскаю кушларга ем қилиш учун маҳсус жой. Қаранг, вазифаси ҳандай кўркинчли. Эҳ ҳе, не-не одамларни кўрган бу жойлар-а?! Шиллик баланд тепалик эмасми, энг тепасига чиқдим. Қалбимда кўркув ва ҳаяжон билан энтишиб, табитга қарадим. Қандай гўзал манзара. Амударёни илгари тўлиб-тошиб оқсан дейишади. Ҳозирги Амударёнинг ҳам

# Buvijon, muzeyga olib boring!



**Сабоҳат ая неваралариға бирор эртак ёки ҳикоя айтиб берадиган бўлса албатта уни табиат билан боғлайди. Айниқса 5 яшар набираси Имроннинг "Бувижон, динозаврлар ростдан ҳам борми?", "Қошиқбурун қанақа куш, унинг бурни ростдан ҳам қошиқка ўхшайдими?" дея берган саволларига жавоб топиш учун неваралари ни тез-тез музейларга олиб боради.**

Неваралари ҳам вақтларини истироҳат болгаридан ўтказишдан кўра ажойибот оламига бориши хуш кўришади. "Бувижон, бизни музейга олиб боринг!", дея тез-тез илтимос қилишади. Айниқса поятьхимиздаги Ўзбекистон давлат табиат музейига ўюнтирган саёҳатлари болажонларни ҳайратига ҳайрат кўшади. Музей ходимларини ҳам болажонлар са-

волларга кўмиб ташлашади. Янинг мақсади неваралари қалбига бадий гўзаликдан завқланиш, табиат инъом этган бойликларни асрабайлаш түгусини сингдиришдан иборат. Музейдаги ҳар бир экспонат орқали дилбандларининг қалбига тарихга қизиқиш, табиатга меҳр ўйғонишни кўриш ая учун катта бахт.

Дарвоқе, Ўзбекистон давлат табиат музейи Марказий Осиёнинг дастлабки йирик илмий-маърифий мусассасаларидан биро бўлиб ҳисобланган. Илгари "Тошкент музейи" деб номланган бу мусассаса 1876 йилдан табиатшунослик, антропология ва этнография билан қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган эди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ихтиёрига ўтказилди ва "Ўзбекистон давлат табиат музейи" деб юритила

бошлади. Шу даврдан бошлаб музей илмий ходимлари асосий дикъат эътиборини илмий-маърифий ва маданий оммавий ишларни кучайтиришига қардидар.

**Музейнинг энтомология заҳираси музей ташкил топланганда бошлаб вужудга кела бошлади. Бу 350 000 дан ортиқ ҳашаротлар намунаси бўлган Марказий Осиёдаги энг катта энтомология коллекцияси. 1918 йилда А.А.Мель томонидан музейга инъом қилинган 1290 та намуналардан иборат бўлган тропик капалаклар коллекцияси ҳам катта аҳамиятга эга.**

Музейнинг зоология заҳираси музей ташкил топланганда бошлаб вужудга кела бошлади. Бу 350 000 дан ортиқ ҳашаротлар намунаси бўлган Марказий Осиёдаги энг катта энтомология коллекцияси. 1918 йилда А.А.Мель томонидан музейга инъом қилинган 1290 та намуналардан иборат бўлган тропик капалаклар коллекцияси ҳам катта аҳамиятга эга.

Зоология бўлимнинг заҳирасидаги умуртқали ҳайвонлар бўлимида 4000 дан ортиқ ноёб ҳайвонлар тутумлари, Зоология бўлимида қушлар тутумлари коллекцияси, шунингдек, скелет ва хўл препараторлар сақланади. Айниқса Қирол пингвини, Қошиқбурун, Вишилдок оқ қуш, Глауконома капалаги ташриф буюрчилик эътибор марказида. Айни пайт нафқат юртимиз балки, бутун дунёга хавф солаётган коронавирус пандемияси барча давлатлар ќаторида бизнинг юртимиз маданий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Карантин юмшатилгач, таълим муассасалари, олий ўкув юртлари ва истироҳат боғлари ҳамда бошқа маданий-маърифий масканларини фаoliyati қайта тикланмоқда. Шундай вазиятда ҳам карантин тартиб қоидларига қатъий риоя килган ҳолда юртдошларини музейимизни саёҳат қилишга таклиф этамиз.

**Муниса ШУКУРОВА,  
Ўзбекистон давлат  
табиат музейи мутахассиси.**



## "SOXTA QAHRAMONLIK" KIMGA KERAK?

**Ҳ**амангандан бир қизнинг икки йигитни дўлпослагани ҳақидаги хабарлар иктиё мой тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Воеани ҳар ким ҳар хил талқин килди. Тўғрирок айтсан, ҳамма ўз қаричи билан хулоса ясади, мулоҳаза юритди. Баъзи тармоқларга "Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар", "Қизлар ҳам анойи эмас" каби фикрлар жойланди.



Очиқланган маълумотда қизнинг ўз шаънини ҳимоя қилгани ва кийими устидан кулган йигитларга нисбатан шундай "муомала" қилгани айтилган. Ўйлаб қолдим. Йигит киши ёнидан ўтганида юзини яширадиган, укаси тенги бола кўчадан ўтиб қолса ҳам ўйлени кесмайдиган, ибояхёни ор-номус деб биладиган ўзбек қизларининг аҳволи шуми? Шу... Лекин, масалага бир томонлама юзаклилар билан ёндашиб бўлмайди. Албатта, йигитлар ҳам бу шов-шувнинг асосий қаҳрамонлари ҳисобланади. Мехнатда суги қотган, норгул ва

паҳлавон сифатида синглиси тутул, қўшни қизга-да ўзгаларнинг ёмон муносабатда бўлганини кўрса, боплаб адабини бериб кўядиган, майда гаплардан тийилиб, оила шаъни ҳақида сўз кетса, ҳамиша вазминлик билан қарор килдиган, бегона аёл кишига ўз онасидай, синглиси ё опасидай муносабат қилдиган ўзбек йигитларининг аҳволи шуми?

Бу асосий қаҳрамонлардан ташкири "саҳна ортида" "мехнат" килган, мухим вазифа сифатида бўлган телефонларининг хотирасига сақлаб олганларчи... Наҳотки, меҳр, эҳтиёт, ахлоқ ва яхшилик анқонинг уруғи бўлган замонда яшётган бўлсак. Бугун кимdir жанжаллашса, тасвирига оладиганлар кўлпайиб кетган. Олинганд видеони яшин тезлигига интернетга жойлаш, кўпроқ одамларга юбориши, иктиё мой тармоқдаги машҳур каналларга тақдим этиши, бирор сўз очса, "Шу видеони мен олганман-да". Лекин зўр томоша бўлганди-да", деб мақтаниб юриш одамлар учун одат тусига айланди.

шаклланган қадриятларни қадрсиз қиладиган ахволимиз...

Қани эди дилбузарга айланган ойнаи жаҳон ярим-янланоч қизлар, уларга оч бўридид тикилган йигитлар ўтасидаги муносабатлар тасвирланган сифатиси, бемаъни сериалларни, кўшикларни, видео лавҳаларни эфирга узатмаганида эди... Балки, мана шу "қани эди" паримиз ҳақиқатга айланиси, амалга ошганида ўзбек йигитлари, ўзбек қизлари иктиё мой тармоқда бўгун шарманда бўлишмасди. Ҳа, ўзимизни ўзимиз шарманда килямиз. Уришаётганлар ҳам, урушларни тасвирига олаётганлар ҳам, тасвири тасвира қўраётганлар ҳам, шунчаки эътибор бермаётганлар ҳам биз...

Ҳаммамиз эмасми? Шу ўринда келинг тафаккур килайлик. Ўтган мантиқиси воқеаларни қанча ёзмайлик вақт орта қайтмайди. Шундай экан, бўлгуси шармандалилардан эҳтиёт бўлайлик. Иложи бўлса, келажакда шундай ҳолатлар тақрорланаслиги учун бўгун ҳаракат қилайлик. Энг катта ҳаракатсизлик – безътиборликдир.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,  
Гулистон давлат университети  
талабаси.**

# MUSHUKLARDAN QANDAY VIRUSLAR YUQADI?

Жияним Азизхоннинг тўсатдан мазаси бўлмай қолди. Қорни оғриб безовта бўла бошлади. Сабабини билмай ҳаммамизнинг бошимиз қотди. Ойисининг хавотирилти稅ахминларига кўра Азизхонга мушукдан вирус юқсан бўлиши мумкин. У мушукларни жуда яхши кўради, кўлидан кўймайди њеч. Унга ойисининг танбеҳлари кор килмайди, ҳаттоқи ҳар замонда ўпид ҳам олади. Уни шифокор қабулига олиб кетишиди.

Демак, бизга уй ҳайвонларидан, ҳаттоқи мушукдан ҳам касалликлар юқиши мумкин экан. Бу касалликлар ҳакида янам тўлироқ билиш мақсадида. Вирусология илмий текшириши институти илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Интизор Эгамова билан сұхбатда бўлдик.

– Мушуклarda учрайдиган юқумли касалликларнинг аксарияти фақат уларнинг ўзларига таъсир этса-да, бу касалликларнинг баъзилари одамларга ҳам юқиши мумкин. Бугун сұхбатимиз давомида мушуклардан юқадиган кенг тарқалган касалликлар ҳакида айтиб ўтаман.

## ТОКСОПЛАЗМОЗ

Токсоплазмоз – бу инфекцион-паразитар касаллик бўлиб, уни токсо-



плазма паразити келтириб чиқаради. Бу патология акушерлик ва гинекология соҳасида жуда катта аҳамиятта эга, чунки паразит транспланктентар йўл билан юқиши касалликнинг энг оғир оқибати хисобланади. Мушук ичаги Токсоплазмознинг яшаш маконидир.

## Ҳомиладорлар учун айниқса зарарли

Токсоплазмоз билан ҳомиладорлар аёл касалланса, вазият жиддийлашади. Қўзғатувчи қон юқими бўйлаб ҳомилага этиб бориши мумкин. Иммун тизими у билан ҳали таниш эмас ва шу боис тезкор таъсир чораларини кўра олмайди. Бу камдан-кам содир бўлади, аммо содир бўлса, ҳомиладорлик асоратлар билан кечиши ва ҳатто ҳомила тушиб қолиши билан тугаси мумкин. Агар инфекция унинг эрта босқичларидан аниқланса, эхтимол, дори-дормонлар ёрдам беради. Одатда, токсоплазмозга антитана учун текширув (ТОРЧ-инфекцияларга таҳлил) ҳомиладорликнинг 1-10 ҳафталаридаги топширилди. Агар акушер-гинеколог: "Сизда мушук борми?", деган галати

савол берса, – буни маъносиз сухбат сифатида қабул қилман. Шифокориниз ҳақиқатан жуда муҳим нарсаларни аниқлаштираёт.

## Эҳтиёт чоралари:

Овқатланишдан оддин мушуклар билан дўстлик ва ғамхўрликдан кейин кўлингизни ювинг.

Мушук ахлатини кўлқоп билан олиб ташланг.

Мушукларни кутиришга қарши мунтазам равишда эмлаш зарур.

Мушукнинг очик яраларни, юзингизни, идишларни ялаб ўтиришига йўл қўйман.

## Салмонелләз

Салмонелла кўпичча хом гўшт ёки ёввойи қушлар ва ҳайвонларни ис-теъмол қилган мушукларда учрайди. Бунда касаллик мушукларнинг нахаси билан ахралиб чиқади. Шу сабабли ҳам ахлат кутисини тозалаш жаҳарнида одамга юқиши хавфи кучли бўлади. Бу касаллика чалинган одамда энг кўп

учрайдиган аломатлар диарея, иситма ва ошқозон оғригидир.

## Паразитар инфекциялар

Бургалар мушукларда энг кўп учрайдиган ташки паразит бўлиб, уларнинг чақиши одам ва мушукларда қишиши ва ялгилганиши кептириб чиқариши мумкин. Бургалар – лента курти тухумларини ташувчиси. Бургаларни тишлаш ва ютиш пайтида гелминт тухумлари овқат ҳазм қилиш трактига, сўнгра мушукнинг ичакларига кириб, паразитлар кўпайишини бошлади.

## Вирусли инфекциялар

Кутириш – одам ва ҳайвонлар учун одатий бўлган, ҳар доим ўлим билан тугайдиган ўтири, вирусли юкумли касалликлар. Одамларда кутириш одатда юқтирган ҳайвон тишленишдан келиб чиқади. Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида мушуклар кутиришдан эмланади. Тишлап орқали касалликнинг оддини олиш усули бу кутириша қарши эмлашадир. Тишланидан кейин 14 кундан кечиктирмай даволаш зарур.

## Вирус юқиши хавфи кучли ...

Вояга етмаган ёки заиф иммунитети бўлган одамлар ушбу касалликларга кўпроқ мойил бўлади. Шу билан бирга чақалоқлар, ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) бўлган одамлар, кекса одамлар, сарнатон қаллиги билан касалланган одамлар, иммунитетни бостирадиган бошқа дориларни қабул қиласиган одамлар ҳам ҳар жиҳаддан эҳтиёт бўлган маънада.

Мутахассис шифокордан олган маълумотларимиз бизни етарлича эҳтиёт бўлишига чорлайди. Албатта, ҳар доим соглигимиз ўзимиз ва атрофимиздагилар мунтазам роҳим мумкин. Айтганча, жияним Азизхон ҳақиқатан ҳам мушукдан вирус юқтирган экан, ҳозирда керакли муолажаларни олиб даволанмокда.

Васила ҲАБИУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

# ORGANIZM UCHUN ZARUR VITAMINLAR

А витамини қаришнинг олдини олади, кичик қон томирларини мустаҳкамлайди ва терининг тонусини мөъёрда ушлаб туради.

С витамини эркин радикалларнинг салбий таъсиридан химияловчи энг самарали антиоксидантлардан биридир. У инсон танасидан синтезланмайди, шунинг учун бу витамини ташқаридан, яъня тарқибада С витамини бўлган маҳсулотлардан олишимиз мумкин. У сувда эрувчан бўлгани боис тўқималарда тўпламаймайди, шу сабабдан унинг заҳарасини ҳар куни тўлдириб турish зарур.

Е витамини ёгда эрувчан витамин бўлиб, тери ҳолатини яхшилайди ва унинг сувесизланиши ўйл қўймайди.

В1 витамини (тиамин) тери қаватининг куриб қолиши ва ёрлишининг олдини олади, майдо ажин ва жароҳатларга қарши самарали курашади.

В2 витамини хўжайра метаболизмини яхшилайди, тери шамоллашида ёрдам беради, микрожароҳатдан сўнг терининг тез тикланишига хизмат қиласиди, соглом ранг ва кўринишни тавминайди.

В9 витамини кўпроқ фолий кислотаси сифатида машҳур

бўлиб, тери гўзлалигини сақловчи аҳамиятли витаминлардан биридир. У антиоксидант хусусиятта эга, терини ультрабинафша нурлардан химоялайди, коллаген топаларининг шаклпаниши учун таниш эмас ва шу боис тезкор таъсир чораларини кўра олмайди. Бу камдан-кам содир бўлади, аммо содир бўлса, ҳомиладорлик асоратлар билан кечиши ва ҳатто ҳомила тушиб қолиши билан тугаси мумкин. Агар инфекция унинг эрта босқичларидан аниқланса, эхтимол, дори-дормонлар ёрдам беради. Одатда, токсоплазмозга антитана учун текширув (ТОРЧ-инфекцияларга таҳлил) ҳомиладорликнинг 1-10 ҳафтадаги топширилди. Агар акушер-гинеколог:

"Сизда мушук борми?", деган галати

хизмат қиласиди, пигмент долгари пайдо бўлишинин олдини олади, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради, шунингдек, ялгилганишида ёрдам беради.

F витамини этишмаслиги пигмент долгариликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

РР витамини организмдан ортиқча сувнинг чиқириб кетишини таъсиридан, шишиш ва қаварикларнинг юзага келишига йўл қўймайди, қон айланишини яхшилайди, майдо ажинларни текислайди ва терининг таранглигини таъминлайди.

Ёнда эрувчан D витамини коллаген синтези учун жуда зарурdir. Ушбу витамин терини сўлғигин кўринишнан асрайди, унга соглом ранг ва силликлик баҳи этади.

К витамини майдо қон томирлари саломатлиги учун жуда мумкин. Бу витамин уларнинг деворларини мустаҳкамлайди, кўзлар остининг корайиб қолишига, ёноқ ва бурунда томир тўрлари ва колдузулалар юзага кепишига йўл қўймайди.

# TANSIQ VA FOYDALI MAHSULOT

Жигарнинг фойдали хусусиятлари қадимдан маълум. Ундаги оқсил миқдори гўшт билан бир хил бўлса-да, бироқ сифат жиҳатдан фарқ қиласиди. Таркибида сув кўп бўлгани боис тез бузилади. Тайёрлашдан оддин бир муддат сутга бўклириб қўйилса, майнан бўлиб пишиади. Ортиқча кувириш мазасини бузуб, қаттиқ ва курук қиласи қўяди.

Жигар 70-73 фоиз сув, 2-4 фоиз ёт, 17-18 фоиз оқсил, шунингдек, барча зарур аминокислоталардан таркиб топлан. Ушбу маҳсулот В гурухи витаминларига бой ҳамда темир, фосфор, калий, натрий, кальций, магний, мис каби макро ва микроэлементларни ўз ичига олади. Мия фаолияти, жигар саломатлиги, кўриш қобилияти, тери силликлиги, соч қалинлиги ва тишлар мустаҳкамлиги учун аҳамиятли бўлган А витаминига бой. Темир организмга мөъёрий гемоглобин синтези учун зарур, мис эса шамоллашга қарши хусусиятларга эга.

Янги жигардан тайёрланган таом организми витамин ва минералларнинг кунлик мөъёрий бўлиб тўлиқ таъминлайди, иммунитетни оширади. Шу боис ёш болалар, ҳомиладор аёллар ва атеросклероз ҳамда қандли диабет билан хасталangan қишилар учун жуда фойдалади. Жигарда тиббиётда беморларнинг қон куюлишини мөъёrlаштиришади фойдаланиладиган алоҳида модда – гепарин ишлаб чиқиласиди. Бу маҳсулот хавфли касаллик хисобланмаси тромбоз профилактикасида ҳам ижобий натижалар беради. Камониклида ёрдам беради. Мутахассислар бўйимдаги муммополар, юрак-томир ва асаб хасталиклари бўлган беморларга, шунингдек, организмда холестерин миқдорини камайтириш учун жигар истемол килишини тавсия этишади.

Унинг таркибидаги тиамин антиоксиданти



организмни спиртли ичимликлар ва тамакиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қиласиди, кальций, С ва D витаминлари эса таянчахаракат тизимини мустаҳкамлаб, остеопозоз жараёнини енгиллаштиради.

Таъқидлаш жоизки, унда экстрактив моддалар мавжуд бўлгани боис, кекса ёшдагилар жигарни бир ҳафтада 100 граммдан ортиқ тановул кималаслигига керак. Кўп мидорда ейилган жигар ошқозон-ичак тракти муммополарни кептириб чиқариши, юрак-контомир хасталикларини кучайтириши, инсульт, инфаркт, стенокардияга сабаб бўлиши мумкин. Оқсил моддасига бой жигар ярати ва бўйрак касалликларида тавсия этилмайди. Бундан ташкири, экологик ифлослаган жойларда бокилган ҳайвонларнинг жигарини истемол килиш ман этилади.

ГУЛЧЕХРА тайёрлади.


# Sentabr "SENTABR" dek bo'lmayapti

**K**оронавирус ва унинг оқибатида юзага келган карантин кириш имтиҳонларига ҳам таъсир қилмай қолмади, албатта. Одатда ёз фаслини имтиҳонлар билан тутагити, сентябр ойини янги ўкув йилининг бошланиши дея қабул қиласидаги талабаларимизнинг вазияти бу йил ўзгача бўлди. Карантин туфайли имтиҳонлар кечиктирила кечиктирила ахийри сентябр ойида ўтказилмоқда. Балки буни ҳам ўзига яраша гашти бўлаётгандир, қизиқ... Аввал гидек имтиҳон жараёнларини кузатиб жонли интервьюлар олишни иложи бўлмасада, синовдан ўтиб чиқсан, абитуриентлар сұхбатини олдик.

Зулфия Сафарова 18-ёш:

- Биз абитуриентлар учун 1-август куни гўёки "ҳаёт-мамот учун жанг" сасидек жаҳон билан кутилаётган эди. Аммо карантин сабабли имтиҳонлар ролла-роса бир ойга кечиктирилгани нур устига аъло нур бўлди. Янада яхши тайёрланиш билан бирга, жаяжонимни ҳам анча енгиги олдим. Бир ойлик сабрдан сўнг, тест синовлари ҳам бошланди. Ижтимоий тармоқларда тарқалган тестларнинг расмлари, назоратчиларнинг яхши қарашмаётганинига ва телефондан фойдаланилаяпти қабилидаги гап-сўзлар борган сари юрагимга вахима сола бошлади. Лекин ўз кўзим билан кўриб гувоҳ бўлмагунимча ишон-

## Yoxud kechiktirilgan imtixonlar taassurotlari haqida



майман, дея ўзимга ваъда бердим, 10-сентябрь куни имтиҳонга киргач эса кўнглим анча жойига тушди. Чунки мен қатнашётган тест майдонида ҳеч қандай "ўйин" бўлмаётганига ишончим комил эди. Тест натижалари чиқди, 179, 4 балл тўплабман, Худо хоҳласа СамДУ филология факультетининг бўлажак талабасиман.

- Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ҳуҷожат топширидим. Имтиҳон 13-сентябрда «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтди, – дейди Жаҳонгир Бойматов (19 ёш). Табиатан таъсирчан бўлганим учун жаяжонимни босиш бироз қийин бўлди. Аммо 5 та текшириш ўрнларидан ўтунимчага анча ўзимга келиб олдим. Шаффоффликка ва саломатлигимизга кўрсатилган кучли зътибор мени ҳар томонлама кўллаб-куватлашдек туюлди ва ўзимга бўлган ишончим янада ортди. Тест жараёни бошланиб кўлмига руҳкани олгач елкамдаги масъулиятни янада кучлироқ хисқилдим. – Онажонимга ҳавас қилиб тиш

шифокори бўлишини истадим. Мана икки йилдирки талаба мақсадидан ўқиб-изланаямсан. Тест имтиҳонлари бошланишини интизорлик билан кутдим ва 3-сентябрь куни «Пахтакор» стадионида имтиҳон топшириб, 169, 5 балл тўплабим, – дейди. Замира Сайдносирова. – Иккى йилдан бўён сентябрда ўқишига талаба бўлиб боришими тасаввур килар эдим, Лекин сентябрь ойи ҳам имтиҳонлар ўтказиладиган августан ойдек бўлаяпти. Майли, қандай бўлишидан катъий назар тала-ба бўлиб ота-онамни

юзини ёргу қўлсам, тиш шифокори бўлиб одамларга фойдам тегса дейман.

– Мен бу йилги имтиҳонлар ҳакида галиришдан олдин мана шундай оғир шароитда тест жараёнларини ташкиллаштирган маъсул ходимларга ўз миннадорчилигимни билдиримкиман, – дейди Карим маматуродов (21 ёш). Самарқанд давлат университети юрист-пруденция факультетининг бўлажак талабаси (160 балл). – Абитуриентлардан тест олиш жараёнини имкон даражада яхши ташкиллаштириш учун катта меҳнат қилингани тест ўтказиладиган худудга киришингиз билан дарҳол кўзга ташланади. Имтиҳон жараёнини бироз кечроқ бўлсада ташкиллаштирган ДТМ ва тегиши ташкилларга шаффоф ва сифатли ташкилотчилик учун раҳмат. Бевосита ўзимнинг тест олиди хиссиятларим ҳакида галиридаган бўлслам аудиторияга кирад эканман ота-онам, устозларим ва яқинларим ишончини ўзим билан олиб киранганинига ишончим комил эди.



Лекин ўз кўзим билан кўриб гувоҳ бўлмагунимча ишонмайман, дея ўзимга ваъда бердим, 10-сентябрь куни имтиҳонга киргач эса кўнглим анча жойига тушди. Чунки мен қатнашётган тест майдонида ҳеч қандай "ўйин" бўлмаётганига ишончим комил эди.

Тест натижалари чиқди, 179, 4 балл тўплабман, Худо хоҳласа СамДУ филология факультетининг бўлажак талабасиман!

Василибону ҲАБИБУЛЛАЕВА,  
"Оила ва жамият"  
муҳбари.

## OILA - "AYOL" SO'ZIDAN OLINGAN

Оиланинг муқаддаслиги шу даргоҳда инсон насл-насабининг давомчилари дунёга келишидир. Оила - "аёл" сўзидан олинган бўлиб, оила деганда аёл тушунилади. Демак аёл муқаддас экан.

Муқаддас динимизда аёлларни алоҳиди ўри бор. Жамият уларнинг ҳақ-хукукларини тиклади. Исломдан олдин нафакат жоҳилият арабларда, балки бутун ер юзида аёл зоти хўрланаётган эди. Бунга тарих гувоҳ. Аёл кишини инсон сифатида тан олиш масди. Жоҳилият араблари ҳатто ўзларининг қизларидан ҳам нафратланишган. Бу ҳақда Аллоҳ тоаю бундай хабар берган:

"Қайси бирларига киз (кўргани ҳақида) хушбарлар берилса, газаби келиб, юзлари қорайбет кетади. У

(киз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклий) тупроққа қориш (тўрқисида ўй сурби), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият килиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу хукмлари жуда ёмонидир" ("Нахъ" сураси, 58, 59-оятлар).

Ағусуси, бугунги замонамизда ҳам, жаҳолат қолдикларидан баъзи холатларни кўриб, нахотки, шунчалика боришидади, деб истигфор айтишдан нарига ўтмайтиси.

Самарқанд шаҳрида юз берган воҳеа бутун Ўзбекистон халқини тинчини бузди. Ижтимоий тармоқларда тарқалган аёлнинг томонидан шафқатсизларча қалтакланиши аёлнинг оиласидаги ўрнини билмасликдан бошқа нарса эмас. Кишининг яхши ёки ёмон эканини билиш учун динимизда бир коида бор. Пайтамаримиз муборак

ҳадисларида: "Сизларнинг яхшила-рингиз ўз аҳлига яхши муносабатда бўлганингиздир", деб марҳамат килидлар. Оила раҳбари эркакнинг зиммасига ахли-аёлни моддий ва маънавий томонлардан ўз химоясига олиши вазифа килиб белгиланган. Шундай экан, эр кишилар бу масалада ётибкори бўлишлари жуда зарур.

И ж т и м о - ий тармоқларда тарқалган аёлнинг эри томонидан шафқатсизларча қалтакланиши аёлнинг оиласидаги ўрнини билмасликдан бошқа нарса эмас.

Тезроқ тавбага шошилиши ни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда Аллоҳнинг ғазаби қаттиқдир.

Зайнiddин ЭШОНҶУЛОВ,  
Самарқанд вилояти бош имом-хатими.

## Toshkent shahrida o'ilaviy korxonalar soni ko'paymoqda

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси статистик регистрларни юритиш бўлими мутахассисларининг маълумотига кўра, шаҳарда ташкиллар-хукукий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1-сентябр холатига кўра 3307 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 490 тага ёки 17,4 фоизга ошганлиги кўриши мумкин. Фаолият кўрсаталган оилавий корхоналар сони 3101 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 395 тага ёки 14,6 фоизга ошганлиги кўзатилмоқда. 2020 йил январ-август ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 384 тани ташкил килиб, бу кўрсаткич ўз навбатида ўтган йилга нисбатан 172 тага ёки 30,9 фоизга камайтанини кўриш мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати.



### Oila va jamiyat

Ижтимоий-сийсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирлиги, "Болалар ва оиласаларни кўллаб-куватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соглом авлод учун" ҳалқаро хайрия фонди

Бош мухаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент – 01690.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-йи.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
E-mail: oila.vajamiyat@mail.ru  
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0169 раками билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоц. Адади – 1150. Баҳоси келишилган нарҳда.

Босиша топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов  
Мусаҳҳиз: С. Сайдалимов  
Сахифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компютер марказида терилди ва саҳифаланди.



oilavajamiyat@mail.ru